ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИ ТЎЛА ИШГА ТУШИРИЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 80 (11.829)

Пайшанба, 6 апрель, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СИФАТЛИ ЭКАЙЛИК

Ҳамма жойда ерга чигит ташланмоқда. Далалар пахтакорни, механизаторни қизғин ишга чорламоқда. Бу йилги вазият экишни тезроқ ва созроқ ўтказ, деб талаб этмоқда.

Қиш илиқ, кўклам эрта келди. Дарвоқе, бу йил экишни жуда қисқа муддатда, юқори сифатли ўтказиб олиш зарур бўлиб қолди. Шундай қилинганда, ерда намнинг камлиги билинмайди, оби-тобида экилган чигит ернинг ўз намига тезда бир текис ундириб олинади. Буни яхши англаган илғор хўжаликлар ва моҳир раҳбарлар бир зум ҳам бўлсин, пайтни қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқда. Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари 1300 гектар ерга эрта-индин чигит экиб бўладилар. Жанубий районларда олдинги бригада, звенолар экишни бирин-кетин тугалламоқдалар.

Экиш муддатини ўтган йилларга таққослаб белгилаш бу йилги шароитга тўғри келмайди. Айрим жойларда ҳарорат кучли бўлгани учун ердаги нам тез кўтарилмоқда. Бундай ерларга 6-8 кун ичида экиб олинмаса, чигит суви бериш га, ортиқча меҳнат сарфлашга тўғри келади, бунинг устига кўчат текис бўлмай қолади. Шунинг учун пахтакорларимиз тобига келган ерларни тезда тайёрлаб, пешма-пеш чигит экиб олиш учун қаттиқ курашишлари лозим. Ҳамма ерда ишчи кучи ва техникани дала ишларига тўла сафарбар этиш шарт. Айниқса, квадрат-уялаб экадиган агрегатларнинг намунали ишлашига эришиш зарур.

Чигитни оммавий равишда экиш пайти етган бўлса ҳам кўпгина жойларда иш суст бормоқда. Республиканинг шимолидаги областларда экиш яллиғ қизитиб юборилмаётир. Бу областларнинг кўпгина хўжаликларида дастлабки кунларидаёқ квадрат-уялаб экиш плани тўла бажарилмаётир. Агрегатларда ва экипаж аъзолари ишида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлмоқда. Бунинг дарҳол олдини олиш, ҳамма ерда экиш графиги тўла бажарилишини таъминлаш керак.

Бу йил республикамизда 1 миллион 50 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади. 1 миллион 200 минг гектар ердаги ғўза кетмонсиз парвариш қилинади. Бу прогрессив усул экишни қисқа муддатда тугаллаш билан бирга, уни сифатли ўтказишни тақозо этади. Сифат ҳақида гап кетганда, пахтачиликдаги камчиликни тузатиш қийинлиги ҳаммага аён. Экишда сифат заррача бузилса, кейинчалик ҳеч нарса билан тўғрилаб бўлмайди. Экишнинг сифатини бузган деҳқон ҳосилдан бой беради. Ниҳоят, экишдаги сифатсизлик ёзда ортиқча меҳнат сарфлашга олиб келади. ғўза парвариши цикларини агротехника муддатларида ўтказишга халақит беради.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарори совет деҳқонларидан ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам юқори ҳосил етиштиришга эришишни талаб қилди. Бунинг замирида катта маъно ётади. Сифат учун курашни деганда деҳқончилик маданиятини, деҳқоннинг маданиятлилигини кўрсатадиган муҳим белгидир.

Бизда пахтачилик ишлари юксак агротехникага, прогрессив усулларга, янгиликка таянгандир. Шунинг учун ҳам пахтачилигимиз тобора юксалмоқда. Ишнинг юқори сифати учун курашувчи маданий деҳқонлар, моҳир пахтакорларимиз кўпаймоқда. Техникамиз етарли. Бизда ҳар бир деҳқон омилкор бўлмоғи керак. Уни ҳозирги экиш даврида юқори сифат учун курашга қизиқтириш, сифат учун кураш — мўл ҳосил учун кураш эканлигини ҳар бир пахтакорнинг онгига сингдириш зарур.

Ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилмаган хўжаликларнинг айрим қолоқ раҳбарлари ҳамма айбни об-ҳавога тўнкайберадилар. Аслида улар раҳбарликда нўноқлик қилдилар, прогрессив агротехникани ўз хўжаликларида жорий қилган бўлсалар ҳам, ерни тайёрлаш, экиш даврларида сифатга эътибор бермадилар. Айниқса ишда аниқликни талаб этадиган квадрат-уялаб экишнинг маълум қоидалари бузилишига йўл қўйдилар. Табиий, бундай жойларда чигитнинг текис кўкаришида ҳам. ғўза кўчатининг текис бўлишида ҳам, ҳосил етиштиришнинг бошқа тадбирларини ўз вақтида амалга оширишда ҳам жиддий нуқсонлар юз берди. Етти йилликнинг учинчи йилида, деҳончилик маданияти тез юқори кўтарилаётган бизда, мамлакатимизда **«пахтачиликка — кенг йўл»** деган шиор ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграётган йилда бундай ҳолга, тушунмасликка ва қолоқ кайфиятларга барҳам бериш зарур.

Партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми қароридз ҳамда Никита Сергеевич Хрушчевнинг Пленумда ва зонал кенгашларда сўзлаган нутқларида совет деҳқонлари олдига қўйилган вазифаларни республикамиз пахтакорлари ўзларига жанговар программа қилиб олдилар. Бу йил мўл ҳосил етиштиришда узилкесил бурилиш йили бўлади. Пахтакорларимиздан бардамлик, руҳий тетиклик буни яққол кўрсатиб турибди.

Лекин айрим жойларда экишнинг дастлабки кунларида анчагина камчиликка йўл қўйилмоқда. Бухоро, Сурхондарё областларининг кўпгина колхоз ва совхозларида сифатли ишланмаган ерларга чигит экиб юборилаётир. Масалан, Шофиркон районидаги Тельман номли, Сталин номли колхозларнинг айрим бригадаларида квадрат-уялаб экилаётган майдонлар яхши текисланмаган. катта-катта кесаклик карталарга сим тортиб, чигит ташланмоқда. Чигит ҳар хил оралиққа, белгиланган нормадан кам тушаётган бўлса ҳам, колхоз раҳбарлари бунинг олдини олмаётирлар.

Бундай фактлар бошқа областларда ҳам содир бўлмоқда. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. Чигит экадиган ҳар бир агрегатнинг, ҳар бир экипажнинг ишини қаттиқ контроль остига олиш, бир бўлтак ерда ҳам экиш сифатининг бузилишига йўл қўймаслик лозим. Сифат учун кураш — колхоз, совхоз раҳбарларининг, айниқса агрономларнинг шу кундаги энг муҳим вазифасидир. Улар ерни тайёрлашда, экишда сифат кўрсаткичлари учун шахсан жавобгардирлар. Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари улардан буни қаттиқ талаб қилишлари лозим.

Мўл ҳосил учун замин қўйилаётган, пахтачиликнинг ҳал қилувчи даври бўлган ҳозирги пайтда ҳамманинг диққат-эътибори, кўпроқ, экишнинг сифатига қаратилмоғи зарур.

Олтин китобга ёзилиш учун

ПАХТА АРЗОН ВА МЎЛ БЎЛАДИ

АНДИЖОН, («ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАХСУС МУХБИРИ). Избоскан районидаги Сталин номли колхоз аъзолари Олтин китобга ёзилиш учун мусобақа бошлаб берганларидан кейин бу ватанпарварлик ҳаракатига ўнлаб илғор хўжаликлар қўшилди. Шу райондаги «Партия XX съезди» колхозининг пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан — жами 4245 тонна ҳосил кўтариш мажбуриятини олдилар. Мамашокир Комилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси дала ишларини батамом механизациялаш, ҳар бир центнер пахтанинг таннархини 10 сўмдан оширмаслиқ, гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» бериш учун курашмоқда. Ёш коммунист-механизатор раҳбарлик қилаётган уюшқоқ коллектив чигитни барча майдонларга квадрат-уялаб экмоқда.

Чинобод районидаги «Ленинград» колхози механизациядан тўла фойдаланиб, юқори ҳосил етиштириш билан бирга, уни йиғиб-териб олишни ҳам йил сайин кўпроқ майдонларда машиналаштирмоқда. Қирқ беш центнерчилар ҳаракатига қўшилган бу илғор хўжалик пахтакорлари орасида Эътиборхон Набиева, Тошхон Маҳмудова сингари механизатор қизлар бор. Андижон областида ўзбек қизларининг механизациянн эгаллаш ҳаракатини бошлаб берган бу комсомоллар бултур пўлат отлар жиловини бошқариб, яхши натижаларга эришдилар. Эътиборхон 210 тонна, Тошхон 180 тонна «оқ олтин» терди. Шу кунларда улар «Универсал»ларни бошқариб чигит экмоқдалар. Кузда Эътиборхон 300 тонна, Тошхон 250 тонна пахта термоқчи.

Ҳозир ўнинчи синфда ўқиётган шу колхозлик қизлардан Дилором Нурматова билан Ҳалима Абдуллаева РТС даги курсда механизаторликни ҳам ўрганмоқда. Улар мактабни тамомлагандан кейин ўз колхозларида ишламоқчилар.

— Энг кўп меҳнат талаб қиладиган иш — йиғим-теримни механизациялаштириш, — дейди правление раиси Абдусамат Қўлдошев, — арзон пахта етиштиришнинг муҳим шартидир. Биз бу йил ҳосилнинг ярмидан кўпини машиналарда териб оламиз. Машина теримида қизларимиз энг юқори кўрсаткичга эришиб, етакчилик қилаётгани айниқса қувончли бир ҳол.

Олтин китобга ёзилиш учун социалистик мусобақага биринчилар қаторида қўшилиб, гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариш учун курашаётган илғор хўжаликлар орасида Андижон районидаги Сталин номли, Наманган районидаги «Ленинград», «Янгиқўрғон районидаги «Москва», Уйчи районидаги Ленин номли, Марҳамат районидаги Свердлов номли ва бошқа колхозлар бор.

Турсуной издошлари

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Область комсомол комитети ва область қишлоқ хўжалик бошқармаси Турсуной Охунова издошларининг тажрибасига бағишланган планлат чиқардилар.

Ўтган йил Зарафшон водийсининг ёш теримчи қизларидан тўққон киши махсус курсларда ўқиб, терим агрегатларида ишлай бошладилар. Улар ўн бир минг тоннадан ортиқ пахта териб, икки мингдан ортиқ кишини қўл меҳнатидан озод қилдилар. Улардан энг яхшилари, шу жумладан — Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозидан Матлуба Назарова ва Мукаррам Пардаева. Жиззах районидаги «Москва» колхозидан Мастон Ражабова ва Люба Шокирова бу йил комплекс механизациялаш бригадаларига бош бўлдилар.

Турсуной издошларининг сони ўсиб бормоқда. Самарқанд ва Каттақўрғон қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртлари ҳузурида қиз-жувонлар учун механик-ҳайдовчиларнинг етти ойлик курслари очилди. Бу курсларда яна уч юз эллик киши янги касб эгаллайди.

ЧИГИТ БАРВАҚТ ЭКИЛАДИ

Ўтган йили худди шу тобда Гулистон районидаги бир қанча колхоз ва совхозларда кўкламга тайёргарликнинг мазаси бўлмади. Экиш-тикиш пала-партиш ўтказилди. Оқибатда гулистонликлар йиллик планни бажаролмай аттанг деб қолдилар.

Район пахтакорлари бу йил давлатга 66 минг 700 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Шундан анчагинаси «Мирзачўл» совхози зиммасига тушади. Совхоз пахтакорлари кўкламга тайёргарликни аллақачоноқ қизитиб юборган эдилар. Турсунхўжа Қирғизбоев бошлиқ 1-бўлимнинг ўртоқ Ш. Орифжонов бригадасида ҳамма нарса чигит экишга тахт қилиб қўйилди.

— Бугун-эрта экишга тушамиз.—деди агроном ўртоқ Ҳайдаров.—чигитни барвақт экиб, ғўза кўчатларининг нормал қалинликда бўлиши учун курашамиз. Бу, мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга.

Райондаги «Ленинизм», «Октябрь» ва «Москва» колхозларида ҳам бугун-эрта экиш бошланади.

А. НОМУРОДОВ.

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ МУҲАММАД ДОВУД МОСКВАГА КЕЛДИ

Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд жаноб олийлари рафиқаси билан ва планлаштириш министрининг ўринбосари Абдулхай Азиз ҳамроҳлигида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг шахсий меҳмони сифатида 4 апрелда Москвага келди.

Афғонистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Сардор Муҳаммад Довуд жаноб олийларини ва унинг рафиқасини СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев рафиқаси билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов, СССР ташқи ишлар министри А.А. Громико рафиқаси билан, СССР Министрлар Совети Давлат комитетларининг раислари Г. А. Жуков, С. А. Скачков, А. Н. Шелепин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда Н. С. Хрушчев ва Муҳаммад Довуд самимий дўстона табрик нутқлари сўзладилар.

Н. С. Хрушчев рафиқаси билан Муҳаммад Довудни ва унинг рафиқасини улар учун ажратилган резиденциягача узатиб қўйдилар.

Бош министрни кутиб олиш учун Венага борган Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Абдул Ҳаким Шахалами ўша самолётда Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов (делегация бошлиғи) ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари ўртоқ Д .П. Шевлягинлардан иборат КПСС делегацияси Ҳиндистон Коммунистик партиясининг VI съездида қатнашиш учун 4 апрелда Москвадан самолётда жўнаб кетди.

ДЕҲЛИ, 5 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Д. П. Шевлягинлардан иборат Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездига келди.

Коммунистик партияси делегацияси бугун Деҳлига келди.

Палам аэродромида КПСС делегациясини Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг аъзолари, коммунистик фракциядан парламент аъзолари кутиб олдилар. КПСС делегациясини СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ва Совет элчихонасининг масъул ходимлари, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Чехословакия ва Болгария элчилари ҳам кутиб олдилар.

Ўша самолётда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Вацлав Славик бошчилигида Чехословакия Коммунистик партияси делегацияси ҳам Ҳиндистон Коммунистик партияси съездига келди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОШЛИҒИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 4 апрелда Кремлда Хитой Халқ Республикаси ҳукумат савдо делегациясининг бошлиғи, Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо министри Е. Цзи-чжуанни қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Е. Цзи-чжуан самимий, дўстона суҳбатлашдилар.

Суҳбатда Хитой Халқ Республикаси ҳукумат савдо делегацияси бошлиғининг ўринбосарлари Ли Цян, Чжоу Хуа-минь, Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Чжан Дэ-цюнь, Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонасининг савдо маслаҳатчиси Чжен То-бин ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумат савдо делегациясининг ҳамма аъзолари ҳозир бўлдилар.

Суҳбатда Совет томонидан Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, Ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумякин, Ташқи савдо министрлиги Шарқ бошқармасининг бошлиғи М. И. Сладковский ва СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги савдо вакили И. А. Еремин қатнашдилар. (ТАСС).

Москва саноати планни муваффақиятли бажарди

Москва шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари партия XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа давомида I квартал планини ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 102,9 процент бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 6,2 процент ўсди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий қилиш ва бошқа муҳим кўрсаткичлар юзасидан мажбурият бажарилди.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чуқур қайғу билан маълум қиладики, Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қорақалпоғистон АССР Чимбой район «Кенес» совхозининг собиқ директори Нурумбет ҚУРБОНОВ оғир касалликдан кейин шу йил 4 апрелда вафот этди.

АЪЛО КВАДРАТЛАР

ЯНГИАРИҚ, 5 апрель. (ЎзТАГ). Охунбобоев номли колхоз далаларида ҳар куни ўнта экиш агрегати ишлаб турибди. Агрегатларнинг ҳаммаси фақат квадрат-уялаб экмоқда. Колхозчилар етти йилликнинг учинчи йилида ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказиш, яъни ўтган йилдагига нисбатан 8 центнер ошириш учун бутун пахта майдонида ғўза қатор ораларини механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлашга қарор қилдилар.

Ёш механизатор комсомол аъзоси Саид Жуманиёзов уч кун ичида 25 гектар ерга чигит экди. Экиш сифатини текшириш натижалари квадратлар аниқ, қатор оралари текис бўлганлигини кўрсатди.

Ражаб Исмоилов ва Қулмат Худойберганов бошлиқ экиш агрегатлари ҳам аъло натижаларга эришмоқдалар.

Колхоз аъзолари КПСС XXII съездини янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилиб, чигит экишни 10-15 кун ичида тугаллашга ва 1 Майгача бутун майдонда чигитни текис ундириб олишга ваъда бердилар.



МЕҲНАТ—РОҲАТ» колхози аъзолари КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Сурхондарё областидаги бу колхоз Жарқўрғон районида биринчи бўлиб янгичка толали чигит экишга киришди. Колхознинг 1960 гектар ерининг 1700 гектарига чигит квадрат-уялаб экилади.

— Биз чигитни 8-10 кун ичида,— дейди колхоз аъзолари,— юксак агротехника даражасида экишга аҳд қилдик. Бу КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларига амалий меҳнатимиз билан жавобимиз бўлади. СУРАТДА: колхоз даласида чигит экилмоқда.

А. Ким фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВОГА ҚАРАМАЙ

ТЕРМИЗ, 5 апрель. (ЎзТАГ). Сурхондарё областининг ҳамма пахтакор районлари чигит экишга киришдилар.

Бу йил экиш ишлари мураккаб об-ҳаво шароитида ўтмоқда. Ҳаво узоқ вақт давомида 30 даражагача иссиқ бўлиб, иссиқ шамол тупроқни қуритиб қўйди. Шу сабабли жанубдаги Термиз, Ангор ва Жарқўрғон қурғоқчилик районларининг меҳнаткашлари ерларни қондириб сугоргандан кейингина чигит экдилар.

Кечаги кундан бошлаб бу ерларда тўхтовсиз ёмғир ёғиб турибди. Ангор районидаги Карл Маркс номли, «Қизил юлдуз», Жарқўрғон районидаги «Меҳнат—роҳат» к олхозлари ва жанубий зонадаги бошқа пахтакор хўжаликлар экиш агрегатларини қумлоқ тепаликларга кўчирдилар.

Областда 30 минг гектарга яқин ерга чигит экилиб бўлди. Экиш суръати жиҳатидан олдинда бораётган Жарқўрғон районида экиш планининг ярми бажарилди.

ПОЛИТОТДЕЛЧИЛАР ТАЖРИБАСИ— КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР МАКТАБИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИДА ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ СЕМИНАРИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози аъзоларининг маккажўхори, пахта, каноп ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштиришдаги, сут дарёси оқимини кучайтиришдаги илғор тажрибалари ҳар тарафлама диққатга сазоворлир. Тошкент область партия комитети ана шу илғор хўжалик аъзоларининг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида яхши ташаббус кўрсатди, Қишлоқ район партия комитетлари секретарларининг шу колхоз тажрибасини ўрганишга бағишланган семинарини уюштирди.

Семинар чинакам тажриба ўрганиш мактаби бўлди. Машғулотлар бевосита колхозда ўтказилди.

Колхоз правлениесининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. ХВАН, партия комитетининг секретари С. КИМ, маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи ЛЮБОВЬ ЛИ, пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. АБДУРАҲМОНОВ ва биллачи МИРА ХВАН лекция ўқидилар. Семинар қатнашчилари илғорларнинг ўз иш тажрибаларидан олинган конкрет мисоллар билан бойитилган суҳбат-лекциясини зўр эътибор билан тингладилар. Шунинг учун ҳам уларга кўплаб саволлар тушди, тингловчилар бу саволларга батафсил жавоб олдилар.

Семинарда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари илғор хўжалик билан, жумладан, 127 сигирни «арча» усулида соғишга кўчган моҳир чорвадор Роза Квон ишлайдиган ферма билан танишдилар. Ўртоқ Квон сут булоғининг кўзини қандай очаётганлигини, иш тажрибаларини ўзи сут соғадиган майдонча атрофида сўзлаб берди.

Бу тўғридаги материалларни иккинчи саҳифада ўқийсиз.

ИШ ҲАҚИ УСТИГА МУКОФОТ

ЎЗАНАК (Бухоро области), 5 апрель. (ЎзТАГ). Раҳмат Неъматов бошлиқ экиш агрегати экипажи бир кунда саккиз ярим гектар ерга, яъни нормада белгиланганидан икки гектар ортиқ ерга чигит экди. Ўша куни кечқурун колхоз бухгалтериясида тракторчи Р. Неъматов, режа сими контролёри Г. Абдиев ва симни кўчирувчи Б. Баҳромовларнинг бир кунлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқилди. Уларга ҳаммаси бўлиб бир тийини кам ўттиз сўм тўланиши керак. Улар норманигина бажарганларида эса фақат 20 сўм 20 тийин олган бўлур эдилар. Иш ҳақининг ҳар етти сўмига уч сўмдан устама ҳақ—топшириқни бажарганлик учун бериладиган устама мукофотдир.

Ғиждувон районидаги Калинин номли колхозда топшириқни ҳамиша ошириб бажарадиган бундан бошқа коллективлар ҳам бор. Масалан, Майрам Ғадоева, Аҳмад Жўраев ва Аҳмад Йўлдошев бошлиқ бригадаларнинг механизаторлари учун экиш нормаларини ошириб бажариш оддий бир иш бўлиб қолди.

ЧЎЛГА ЯШИЛ ЛИБОС

Шофриқон ва Қорақўл ўрмон хўжаликларининг ташаббуси билан бепоён Қизилқумнинг бир қисми яшил ўрмонзорликка айлантирилмоқда. Қорақўл, Свердлов, Шофриқон, Ғиждувон, Вобкент районларининг чўлга туташиб кетган участкаларида кўчма қумга қарши кураш юзасидан олиб борилаётган ишлар яхши натижалар бераётир.

Келгусида Қизилқумда янада катта ишлар олиб борилади. Етти йилликда ундаги яшил ўрмонзорлик қирқ беш минг гектардан ошади. КПСС XXII съезди шарафига мусобақани кучайтириб юборган ўрмон хўжалиги ходимлари Қизилқум саҳросида саксовул экиш планини анча ошириб бажардилар.



Ипак сортли пахта майдони кенгайтирилмоқда

ФАРҒОНА, 5 апрель. (ЎзТАГ). Олтиариқ, Марғилон ва Поп районларининг хўжаликлари кетидан Қўқон группа районларининг колхоз ва совхозлари ҳам чигит экишни бошлаб юбордилар.

Бу йил кўкламда областнинг кўп районларида биринчи марта 68 минг гектар ерга пахтанинг «149-Ф» янги сорти етиштирилади. Ўтган йил пахтанинг бу сорти тажриба учун Поп районидаги Жданов номли, Охунбобоев районидаги «Фарғона» ва бошқа бир қанча хўжаликларда экилган эди. Об-ҳаво шароитининг ноқулай бўлганига қарамай, ундан мўл ҳосил олинди. Масалан, Жданов номли колхозда ҳар гектар ердан қарийб 40 центнердан ҳосил олдилар.

«149-Ф» сортли пахтанинг толаси юксак технологик хусусиятларга эга. Бу сортнинг афзаллиги шундан ҳам иборатки, унинг йирик кўсаклари кўп ва машинада териш учун қулай бўлиб, Фарғона водийсида етиштирилаётган бошқа сортларга қараганда тезроқ пишади.

ЖАЛИЛ Раҳмоновни Тошкентдаги «Подъёмник» заводида илғорларнинг илғори деб ҳисоблайдилар. Бу меҳнатсевар йигит КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, бир ўзи тўрт станокни бошқармоқда. СУРАТДА: ўртоқ Ж. РАҲМОНОВ.

И. Глауберзон фотоси.

ПОЛИТОТДЕЛЧИЛАР ТАЖРИБАСИ— КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР МАКТАБИ

ЮТУҚЛАРИМИЗ СИРИ

Колхоз правлениесининг раиси ўртоқ М. Г. ХВАН нутқидан



Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленуми қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг конкрет истиқболларини белгилаб берди. Мен колхозга пленумдан кейин раис қилиб сайландим.

Ростини айтсам аҳвол жуда танг эди. Даромаднинг мазаси йўқ. Шунинг учун ҳам кишилар асосан ўз томорқасида ишлаш билан банд эди. Нима қилиш керак? Колхозда мустаҳкам интизом ўрнатиш керак. Ишни шундан бошладик. Жамоат хўжалигини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб қаттиқ қўллик қилдик, томорқа нормага солинди. Албатта бу баъзи бир кишиларни чўчитди, ҳатто уларнинг норозилигига сабаб бўлди. Партия ташкилотига, коммунистларга таяндик. Коммунистлар деҳқонларга партиямиз сиёсатини тушунтириб, эртаги порлоқ кунни кўришга кўмаклашдилар. То 1953 йилгача колхозчиларнинг меҳнат кунига деярли пул тақсимланмаган бўлса, колхоз бир йилдаёқ қаддини ростлаб, 1954 йилда ҳар меҳнат кунига 4,5 сўмдан пул, 3 килограммдан дон тақсимлади. Кишиларнинг меҳнатга ихлоси орта бошлади.

Деҳқончилик маданиятини ошириш учун астойдил курашдик. 1955 йилда ҳар гектар майдондан 102,4 центнердан каноп ҳосили олдик.

Энди колхозчилар асосий даромад манбаи томорқада эмас, колхозда эканлигини яхши тушуниб қолдилар. Энди уларни тағин ҳам яхшироқ ишлашга руҳлантириш керак эди. Биз кишиларнинг кайфиятини яхши тушуниб, уларга меҳрибонликни кучайтиришга, колхоз посёлкасини обод қилишга, кўпроқ маданий-маиший бино қуришга алоҳида эътибор бердик.

Мана, қишлоғимизни кўриб турибсиз. Унинг қиёфаси таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетди. 240 та янги уй, 3 та мактаб, болалар боғчаси, клуб қурдик. Колхозчиларнинг уйига радио, электр, газ туширилган. Йиллик даромадимиз қарийб 60 миллион сўмга етди, меҳнат кунига 36 сўмдан пул тақсимланди.

Ҳозир 7,5 миллион сўм сарф қилиб мактаб-интернат, 2,5 миллион сўм сарф қилиб маданият уйи қурмоқдамиз.

Бултурги ютуқларимиз айниқса катта бўлди. Гўшт етиштириш 1953 йилга нисбатан 51 баравар, уни сотиш эса 60 баравар кўпайди. Маккажўхоридан рекорд ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Колхоз гектаридан 43 центнердан пахта топширди.

Биз колхозчиларни рағбатлантиришнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топмоқдамиз. Колхозчиларга булутрдан бошлаб далада бепул иссиқ овқат пиширib берилади. Уларнинг болалари боғча-яслиларда тарбияланади.

Колхозимизда бригадалар кенгаши тузилган. Бу кенгаш ҳамма ишни бамаслаҳат ҳал қилади. Новаторлар кенгаши эса илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилади. Ана шу новаторларнинг яқин вақт ичида ўтказилган икки йиғилишида экиш кампаниясига тайёргарлик муҳокама қилинди. Сифатсиз борона қилинган жойлар борлиги аниқланиб, ўша ерни қайта борона қилиш лозим топилди. Сифат инспекцияси ҳам дала ишлари устидан алоҳида назорат қилиб туради. Колхозимизда 14 киши олий маълумотли мутахассис, бригада бошлиқларининг ҳаммаси ўрта маълумотли кишилар.

Колхозимиз аъзолари етти йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар ердан камида 200 центнердан каноп, 1900 центнердан думбул сўтаси билан силосбоп кўкпоя ҳосили олиш, пахта етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 1000 тонна кўпайтириш учун курашмоқдалар.

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Колхоз партия комитетининг секретари С. КИМ нутқидан

Колхозимизда 107 коммунист бор. Улардан 56 киши бевосита колхоз ишлаб чиқаришида ишлайди. Партия сафи энг илғор кишилар ҳисобига ўсмоқда. Қисқа вақт ичида 9 киши партия сафига қабул қилинди.



Партия ташкилоти коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига қўйиб, уларнинг авангардлик ролини оширишга алоҳида эътибор беряпти.

Коммунист Шин Хай Рон 8-бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. У ўз ишининг чинакам устаси. Ўтган йили бу бригадада 181 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 264 центнердан каноп олинди.

Коммунист Роза Квон илгари далачилик ишида ишлар эди. Биз уни колхознинг сут-товар фермасига ишга юбордик. У бу ерда қийинчиликларни енгиб астойдил меҳнат қилди. Мана ҳозир Роза Квонни ҳамма танийди. У сигирларни «арча» усулида соғишга кўниб, 120 сигирнинг ҳар биридан кунига 10 килограммдан, бир кунда жами 1200-1500 килограммдан сут соғиб оляпти.

Донгдор маккажўхорикор коммунист Любовь Ли эса чорвачилик фермасидан далачилик бригадасига ишга ўтди. У илгари сут соғувчи бўлиб ишлар эди. Сут, гўштни кўпайтириш учун ем-хашак, хусусан маккажўхори силоси нақадар зарурлигини ўз кўзи билан кўрган ўртоқ Ли маккажўхорикорлик бригадасига раҳбарлик қилиб, 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1850 центнердан силосбоп кўкпоя олишга муваффақ бўлди.

Коммунистлар меҳнатда шахсан ибрат кўрсатиб, оммани ўз ортларидан эргаштириб борадилар. Биз, колхозчилар ўртасида оммавий агитацияни кучайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Мақсад аниқ бўлгандан кейин киши яхши ишлайди. Ҳозир экиш пайти, колхозчиларнинг шу кеча-кундуздаги аниқ вазифаси ёзиб қўйилган шиорлар дала шийпонларида турибди. Агитация жонли, конкрет бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини колхозчилар оммасига энг яхши агитаторларимиз конкрет мисолларда тушунтирмоқдалар. Ҳозир агитация, социалистик мусобақанинг қудратли кучи партиямиз XXII съездини муносиб кутиб олишга, социалистик мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга қаратилган.

ҲАММА ГАП МЕҲНАТДА

Маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи ЛЮБОВЬ ЛИ нутқидан

Мен илгари сут соғувчи бўлиб ишлардим. Партия ташкилоти, колхоз правлениеси далачилик бригадасида ишлашимни лозим топди. Маккажўхорикорлик бригадасига раҳбарлик қила бошладим.

Ҳамма гап меҳнатда, киши ўз касби-корига қанча ихлос қўйиб, яхши ишласа, унуми шунча кўп бўлади, шунча кўп ҳосил олади.

Бизнинг бригадамизга 238 гектар ер, 30 колхозчи, 3 та чопиқ трактори биркитилган. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб аҳил бўлиб ишлаймиз.

Ўтган йили гектарига 15-20 тоннадан гўнг солиб, картани экиш олдидан яхшилаб текисладик. Уруғни саралашнинг ҳикмати катта. Уруғнинг сара бўлса донинг тўқ бўлади. Шунинг учун биз уруғлик маккажўхорини саралашга алоҳида эътибор берамиз. Уруғликни граназон билан дорилаб, офтобда 4-5 кун қиздиргандан кейин экамиз.



Биз танлаган схема 70х70 сантиметр схемаси бўлди. Маккажўхорини «СКГН-6» селякси билан етти кунда экиб бўлдик. Ўтган йили экишни 27 апрелда тамомлаган эдик.

Қаторлар билиниши биланоқ икки томонлама культивацияни бошлаб юбордик. Маккажўхори 5-6 та чин барг чиқаргач, гектарига 200 килограммдан аммиак селитра солиб озиқлантирдик. Шундан кейин чуқур эгат олиб, жилдиратиб сув оқизиб суғордик. Ер етилиши билан тағин культивация қилдик. Орадан 20-25 кун ўтгач иккинчи марта озиқлантирдик. Бу гал гектарига 400 килограммдан аммиак селитра солиб кейин яна суғорилди ва учинчи культивацияга тушилди.

Уруғлик участкасидаги маккажўхорини ҳам асосан шу хилда парвариш қилдик, фақат фарқи шу бўлдики, бу участкадаги маккажўхорини чанглатишга алоҳида эътибор бердик.

Бригадамиз аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун ҳормай-толмай ишлашди. Тракторчи Югай Константин, Гехон Хван, Сувчи Юн Енгук, Ли Идор ва Тўхтахўжаев ўртоқлар айниқса яхши ишлашди.

Бизда илғорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун эса бригадада қаттиқ ҳисоб-китоб ўрнатилиши керак. Маккажўхори кўкпояси йиғиштириб олиниб, машиналарга ортилгандан кейин автомат тарозида тортиб кўрилади, сўнгра силос бостириладиган жойга олиб келинади. Ҳосилнинг миқдорига қараб ҳақ тўланади.

Ўтган йили гектаридан думбул сўтаси билан 1850 центнердан кўкпоя олишга муваффақ бўлдик. Бизнинг меҳнатимизга ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик илғорларининг зонал кенгашларида юксак баҳо берди. Ишимизга бунчалик эътибор билан қарагани учун биз партия ва ҳукуматимиздан, шахсан Никита Сергеевичдан миннатдормиз.

Бу йил ҳар гектар майдондан камида 1900 центнердан кўкпоя олишга сўз бердик. Ҳозир ҳамма нарсани маккажўхорини ўз вақтида сифатли экишга тахт қилиб қўйдик. Бугун-эрта экишга тушамиз.

Бултурги муваффақиятларимизни янада кўпайтириш, мамлакат аҳолисига мўл-кўл гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун бу йил ҳам бўш келмаймиз.

МАШИНАНИНГ ХОСИЯТИ

Пахтачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ АБДУЛЛА АБДУРАҲМОНОВ нутқидан

1960 йилда 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан пахта топширдик. Биз «С-47-27» уруғлик чигитини экдик. Экишга 12 апрелда тушиб, 15 апрелда, яъни уч кун муддат ичида тамомладик.



Чигитни 16 гектар майдонга 60х60, 34 гектар майдонга 60х30 сантиметр схемасида экдик. Ғўза ердан бош кўтариши биланоқ 2-3 кунда ягана қилиб, букетларни қўлда ростлаб чиқдик. Ҳар гектар майдонда камида 90-95 минг туп кўчат бўлишини таъминладик.

Биринчи культивация вақтида ҳар гектар майдонга 300 килограммдан чириган гўнг, 200 килограммдан сульфат аммоний солдик. Ғўза 5-6 тадан чин барг чиқариши билан иккинчи марта озиқлантирдик. Бу гал гектарига 200 килограммдан гўнгга 150-200 килограммдан аммиак селитра аралаштириб солинди.

Биз ҳосилдорликни ошириш учун товуқ гўнгидан ва айниқса қўй қийидан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ғўзани учинчи марта шоналаш даврида, тўртинчи марта гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида озиқлантирдик. Учинчи ўғит берилганида гектарига 200 килограммдан селитра солдик. Тўртинчи марта озиқлантириш пайтида эса 200 килограммдан суперфосфат ва 150 килограммдан аммиак селитра солдик.

Бизнинг сортимиз бошқа сортларга қараганда кўпроқ сув ичади. Шунинг учун талабига қараб суғордик. Биринчи сув 5-6 тадан чин барг чиқарганида, биринчи озиқлантиришдан кейин, иккинчи сув шоналаш даврида, учинчи сув гуллаш даврида, тўртинчи сув кўсаклаш пайтида берилди.

Узунасига, чигит 60х60 схемасида экилган майдонларда кўндалангига культивация қилишга алоҳида эътибор бердик. Ҳашаротни қириб юбориш мақсадида меркаптофос дорисидан фойдаландик. Ғўза 12-13 тадан ҳосил шоҳи чиқарганда чеканка қилдик. Ҳосилнинг 25 проценти очилгач, гўза баргини туширдик. Ғўза баргини тўктириш учун дорини саҳар пайтида ҳали шабнам кетмаганда сепилса фойдаси кўп бўлади. 25 сентябргача гектаридан 25 центнердан пахта териб олиб планни, 1 ноябргача 50 центнердан ҳосил териб олиб мажбуриятни ҳам бажардик. Ҳосилнинг 98 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Бу йил 118 гектар майдонга чигит экамиз. Ҳар гектарига камида 10 тоннадан гўнг тайёрлаб қўйдик. Ҳозир шундан 8 тоннаси ерга тушган. Чигит экиладиган майдонларни кафтдек текислашга алоҳида эътибор берамиз. Биз бу йил чигитни 60х45 сантиметр схемасида экиб, сира кетмон ишлатмасдан нуқул механизация воситаси билан парвариш қиламиз.

Ҳозир бутун майдон экишга тахт қилиб қўйилди. Чигитни барвақт ундириб олиб, ҳар гектар майдонда камида 95 минг туп кўчат бўлишини таъминлаймиз. Республикамиз бу йил мамлакатга етказиб берадиган 3 миллион 200 минг тонна ҳосилга муносиб ҳисса қўшамиз.

БИЗНИНГ ТАЖРИБАЛАРИМИЗ

Пиллачилик бригадасининг бошлиғи МИРА ХВАН нутқидан



Колхозимизда каноп, пахтадан юқори ҳосил етиштирилмоқда. Чорвадорлар ҳам мамлакатга кўплаб гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш учун курашмоқдалар. Биз пиллачилар мана шу курашда орқада қолмаслик учун интилмоқдамиз.

1953 йилда колхоз 4 қути қурт уруғидан бор-йўғи 80 килограмм пилла тошширган бўлса, ўтган йили 130 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 76 килограммдан пилла олинди. КПСС Марказий Комитети тарихий сентябрь Пленумидан кейин пилла етиштириш колхозимизда 123 баравар кўпайди.

Биз бу йил, етти йилликнинг учинчи йилида колхоз бўйича давлатга 10 минг килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдик.

Чорвачиликдаги синғари пиллачиликда ҳам мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилмагунча иш юришиб кетмайди. Шунинг учун ҳам биз колхозимизда пиллачиликни ривожлантириш учун курашни мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш учун астойдил курашдан бошладик. Кўчаларнинг ёқасига, ариқларнинг бўйига 40 минг тупдан кўпроқ тут кўчати ўтқазилган. Ҳозир бу тут дарахтлари баргга бўлган эҳтиёжимизни қоплайди. Бундан ташқари колхознинг 45 гектар тутзори бор. Биз ана шу озуқа базасидан эҳтиётлик билан, тежаб-тергаб фойдаланамиз.

Қурт уруғини жонлантиришга алоҳида эътибор билан қараймиз. Жонлантириш муддатини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Агар ипак қуртларини эрта жонлантирсак, қурт боқишни жуда эрта бошлаб қўйсак, ҳали тузукроқ қанот ёзмаган барг кўп сарф бўлади, кейин ипак қурти аввки ейдиган пайтда барг етишмай қолади. Шунинг учун тут баргларини яхшироқ ўсишига қараб туриб, қурт уруғларини жонлантирамиз. Албатта бу ишда кечикиш ҳам ярамайди. Чунки барг қотиб қолгандан кейин уни ёш қуртнинг ейиши қийин бўлади.

Ипак қуртлари катта биноларда боқилади. Бунинг учун қуртхоналар қуришга алоҳида эътибор берилади. Бултур 7 та қуртхона қурилди. Бу йил яна 4 та қуртхона фойдаланишга топширилди. Биноларни дизенфекция қилиб, печкаларни, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Бино етишмаса катта биноларда икки қаватли сўкичак қилиб фойдаланиш керак.

Ипак қуртларини зинҳор колхозчиларнинг уйларида боқмаслик керак. Бу ҳар хил қийинчиликларни туғдиради, кўп меҳнат сарф бўлади.

Ипак қуртларини айниқса катта ёшда барга тўйдириш зарур.

Тут ипак қуртини тўйдирар экан, энди ана шу тут дарахтини тўйдиришга ҳам эътибор бериш керак. Колхозимизда тут кўчатлари ҳам, катта дарахтлар ҳам алоҳида парвариш қилинади. Вақтида бутаб, дорилаб, ўғит берилади. Шунинг учун ҳам бизда тут баргининг танғичлиги сезилмайди. Шунинг учун ҳам биз ипак қуртини яхши тўйдириб, йилдан-йилга мўл ҳосил олмоқдамиз.

Бу йил ҳар бир қутидан камида 63 килограммдан пилла топширишни тўғрисидаги социалистик мажбуриятимизни бажариш учун қурт боқишни намунали ташкил қиламиз. Зуҳра Ўрозбоева, Ҳадича Тилевлиева, Турди Рисқиева, Анна Хван ва бошқа ўртоқлар ҳар қути қурт уруғидан 85-95 килограммдан ҳосил олиб келаётган энг яхши пиллачилардир. Уларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштирамиз.

150 СИГИРНИ СОҒАМАН

Сут соғувчи РОЗА КВОННИНГ «арча» майдончаси атрофида сўзлаган нутқидан



Мен илгари сигирларни қўлда соғардим. Ишдан кейин қўлларим оғриб, жуда чарчаганлигимни сезардим. Мана энди бўлса, сигирларни «арча» усулида жиҳозланган майдончада соғишга кўчдим. Бир ўзим кунига 127 та сигирни соғаман. Сут соғиб олиш кўпайди, бунинг устига ишдан кейин ўзимни яхши ҳис қиламан, чарчамайман, китоб ҳам ўқийман, музика тинглайман, телевизор орқали энг яхши кинофильмларни томоша қиламан.

1956 йилда 10 сигирдан 23 минг килограмм сут соғиб олган бўлсам, бу йил 120 сигирнинг ҳар биридан камида 4 тоннадан сут соғиб олиш учун курашмоқдаман. Яқин орада яна 23 сигирни ўргатиб, жами 150 сигирни соғишга кўчмоқчиман.

Колхозимизда бошқа сут соғувчилар ҳам сигирларни прогрессив усулда соғишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Сигирларнинг ҳаммаси янги усулда соғишга кўчирилгандан кейин сут таннархи бундан ҳам арзонлашади.

Маккажўхорикорларимизга раҳмат: улар бизга энг қимматли озуқа—маккажўхори силосини керагича етказиб бериб туришибди. Биз сигирларни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиб, сут оқимини кўпайтирмоқдамиз.

«Арча» усулида сут соғишга кўчганимиздан кейин меҳнат унуми ортди, сут кўпайди, сутнинг жири ҳам илгаригига нисбатан анча ортганлиги сезила бошлади. Ҳаммасидан ҳам сут соғувчи кўп куч талаб қиладиган, кишини чарчатадиган оғир меҳнатдан қутилиб, ўзини енгил ҳис қила бошлади.

Бу йил биз Тошкент аҳолисига 700 минг килограмм сут етказиб бериш тўғрисидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.



Минбарга кўтарилган кишилар илмий даражага эга олимлар бўлмаса ҳам, ажойиб тажрибакор, ўз ишларининг академиклари эди. Ҳамма уларнинг суҳбат, лекцияларини эътибор билан тинглайди. Суратда: «Политотдел» колхозида ўтказилган семинар пайти.

И. Глауберзон фотоси.

БИРИНЧИ ТУРБИНА МОНТАЖ ҚИЛИНМОҚДА

УЧҚЎРҒОН (Андижон области), (ЎзТАГ). Учқўрғон ГЭС қурувчилари коллективи Биринчи май байрами шарафига мусобақа бошлаб, биринчи ғалабага эришдилар: тўртта агрегат қисмлари монтаж қилиниб бўлди, станция биносига бир неча ўн минг кубометр бетон ётқизилди. Биринчи турбинани монтаж қилишга киришилганлиги қурувчилар учун муҳим воқеа бўлди.

— Бизнинг коллективимиз, — деди қурилишнинг бош инженери А. Сергеев ЎзТАГ мухбирига. — Ўзининг аввалги мажбуриятларини қайтадан қараб чиқди ва биринчи агрегатни КПСС XXII съезди очиладиган кунгача ишга туширишга қарор қилди.

ҚУДРАТЛИ БИНОКОРЛИК ИНДУСТРИЯСИ

БАРПО ЭТАЙЛИК!

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг қурилиш материаллари кафедрасида маҳаллий хомашёдан янги бинокорлик материали яратиш мақсадида олиб борилган илмий текшириш ишлари яхши натижа берди. Доцент С. И. Барилович раҳбарлигида ишлаётган тадқиқотчилар Оҳангарон глиежи ва оҳак аралашмасидан янги қурилиш материали — глиежбетон ихтиро этишга муваффақ бўлдилар.

Глиеж — табиий ҳолатда куйган гултошдир. Оҳангароннинг Жигаристон сойида конлари бор. Глиеж қатламларининг қалинлиги 38 метрга етади. Шунинг учун ҳам глиежбетон тайёрлашда глиежнинг ишлатилиши катта иқтисодий фойда келтириши мумкин.

Глиежбетон тайёрлаш технологияси унча мураккаб эмас. Бунинг учун глиеж билан оҳак аралашмаси тегирмонда майдаланади. Сўнгра аралашмага шлак ёки керамзит қўшилади. Махсус қолиплар ёрдамида бу қотишмадан цементсиз йирик блоклар тайёрлаш мумкин. Блоклар тебраниш майдончаси — виброплощадкада зичлаштирилади ва оддий буғ камирасида 80-85 градус иссиқликда 8-12 соат сақланади. Қейин блокларни қуришда ишлатиш мумкин бўлади.

Глиежбетоннинг юзаси текис. Шу сабабли пардозлаш учун кўшимча харажат сарфланмайди.

Янги қурилиш материалининг қаттиқлиги цемент қўшилмасдан «76», «100» маркали қотишмага тенг. Агар унга 30-40 процент цемент қўшилса қаттиқлиги «150», «200» га етади. У совуққа ва обиҳаво ўзгаришларига чидамлидир.

Янги технологиянинг қўлланилиши глиежбетон блокларидан исталган тип ва ўлчовдаги деворбоп панеллар, дераза ва эшик ўринлари, шунингдек турли архитектура шакллари тайёрлашда, ҳатто тўғри тўртбурчак шаклидаги устунлар қуришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Блок тайёрлашнинг янги технологияси қурилиш индустриясининг қудратини янада оширади.

Узбекистон Халқ хўжалиги кенгаши ва Қурилиш министрлиги глиежбетонни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳақида ўйлаб кўришлари керак.

М. СУЛТОНОВ,
Тошкент транспорт инженерлари институтининг дипломанти.

ПЕНОКЕРАМИКА ЯХШИ МАТЕРИАЛ

Етти йилликда Ўзбекистонда уй-жой қурилиши учун йирик панеллар ишлаб чиқарадиган 17 та комбинат қурилади. Ҳозир Тошкентда йирик уй қуриш комбинати ишлаб тўшалди. Бу комбинат йилига 300 минг квадратметр турли панел ва плиталар ишлаб чиқармоқда. Етти йилликда бинокорликни индустриаллаштириш тағин ҳам авж олади. Бу ҳол йирик панелларга қўшиб ишлатиладиган ёрдамчи материал ларга бўлган эҳтиёжни оширди.

Ана шундай материаллардан бири пенокерамикадир. Ундан изоляцион материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги вақтда йирик панелли уйларнинг деворлари орасида иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган материал ўрнига минерал тола ишлатилмоқда.

Маълумки, темир-бетон панеллари иссиқ ва совуқни тез ўтказади. Шу сабабли деворлар орасига минерал тола қўйиларди. У иссиқликнинг панеллар орқали ўтиб кетишига йўл қўймайди.

Тошкент уй қуриш комбинати минерал толани ҳозир Минскдан олмоқда. У анча қимматга тушмоқда. У жуда енгил ва ҳажми катта. Бу эса уни ташишда кўп ноқулайликлар туғдиради. Шу сабабли яқинда Тошкент уй қуриш комбинатида минерал тола тайёрланадиган янги цех ишга туширилди. Бироқ бу цех ҳозирча ўзлаштириш даврида бўлганлиги учун республикадаги бошқа уй қуриш комбинатларини материал билан таъминлаш у ёқда турсин, ҳатто ички эҳтиёжларни ҳам қондира олмаяпти.

Дастлабки ҳисобларга қараганда. Тошкентда тайёрланадиган минерал толанинг бир кубометри 25 сўмдан ошади. Бу жуда қиммат албатта.

Хўш, нима қилиш керак? Қимматбаҳо тола ўрнини босадиган фойдалироқ ва арзон иссиқлик сақлагич материал топиш мумкин эмасми. Ўрта Осиё политехника институти коллективи бундай материал борлигини исботлаб берди. Силикатлар кафедрасининг олимлари минерал толанинг ўрнини бир эмас, балки бир неча материал, чунончи, перлит, пенокерамит, пеностекло ва пенокерамик иссиқ сақлагич материаллар боса олишини синаб кўрдилар. Албатта, юқоридаги материалларнинг баъзилари жуда қиммат ва ундан фойданиш унча мақсадга мувофиқ эмас. Лекин пенокерамика иссиқликни сақлашда тенги йўқ материаллардан ҳисобланади. Бу материални ҳар бир ғишт заводида озгина харажат билан ва қисқа муддатда ишлаб чиқариш мумкин.

Йилига 35 минг квадратметр уй-жой ишлаб чиқарадиган комбинатни йил бўйи таъминлаш учун 5 минг кубометр иссиқлик сақлагич материал керак.

Бу янги материал арзон, унинг бир кубометри нари борса 12 сўмдан ошмайди.

Муҳими шуки, пенокерамика минерал толага нисбатан анча мустаҳкам. У 50 килограмм-квадрат сантиметргача бўлган босимга чидайди; анча ихчам: бир кубометрининг оғирлиги 500 дан 1000 килограммгача боради.

Пенокерамикани тайёрлаш осон. Соз тупроққа 10 процент гипс қўшиб, сувда қорилади. Сўнгра аввалдан тайёрланиб қўйилган кўпик билан аралаштирилади ва қолипларга қуйилади. Сал вақт ичида гипс қотиб, панель тагида кўпикли газак пайдо бўлади. Гипс қуритилиб, куйдирилгандан кейин юқори сифатли, арзон иссиқлик сақлагич материал — пенокерамика ҳосил бўлади.

Иссиқлик сақлагични тайёрлаш учун ғишт заводларига қўшимча равишда озиқлантирувчи, кўпик ўчирувчи ва кўпик билан бетонни аралаштирувчи машиналар қўйилади.

Пенокерамикани тайёрлаш технологияси 1956 йилдаёқ Ўрта Осиё Политехника институти силикатлар технологияси кафедрасининг лабораториясида ишлаб чиқилган эди. Аммо бу усул шу маҳалгача жорий этилгани йўқ.

Пенокерамикани ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак. Юқорида айтганимиздек, уни йирик панелли уй қуриш комбинатлари ва ғишт заводларида кўплаб тайёрлаш мумкин.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши ва айниқса республика Қурилиш министрлиги бу материалдан ҳаммадан кўп манфаатлидирлар.

К. АСТАФЬЕВ,
Ўзбекистон Госстройи бинокорлик материаллари бўлимининг бошлиғи.

К. ШТИФАНОВ,
Лойиҳалаш идораси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Шахтада лекторлар группаси

Оҳангарон шаҳридаги «Ўзбекуголь» комбинатига қарашли 9-шахта партия ташкилоти ҳузурида 25 кишидан иборат лекторлар группаси ташкил этилди. Унинг составида шахта бош инженерининг ёрдамчиси Қодиралиев, инженерлардан Евминов, Лайко, бош бухгалтер Елизаров, навалоотбойчи Примқулов ва бошқалар бор. Улар шахта нарядхонасида, клубда ва кончилар ётоқхоналарида «Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва Кенгаши якунлари ҳақида», «Етти йилликнинг учинчи йилида кончилар коллективи олдида турган вазифалар» тўғрисида, мамлакатимиз кўмир конларидаги илғор тажрибалар тўғрисида лекциялар ўқимоқдалар.

И. АҲМЕДОВ.

АДАБИЕТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

МОСКВА, 4 апрель. (ТАСС). Бугун Н. С. Тихонов раислигида адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитетининг пленуми очилди.

Муҳокама қилиш учун қолдирилган кандидатуралар юзасидан дискуссия ўтказилгандан кейин 1961 йилги Ленин мукофотларини бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бу йил совет жамоатчилиги Ленин мукофотлари олиш учун тақдим этилган кандидатураларни муҳокама қилишда айниқса актив иштирок этди. Бадиий, ижодий ва илмий ташкилотларда, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида коллектив равишда муҳокама қилиш сони ўтган йиллардагига нисбатан кўпайди. Кандидатуралар матбуотда анча кенгроқ муҳокама қилинмоқда. 1961 йилги кандидатлар тўғрисида Ватанимиздаги кўпгина шаҳар ва қишлоқларининг, шунингдек баъзи чет мамлакатларининг ҳалқаси комитетга хатлар ёзиб юбордилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

АЧЧИҚ САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИШ КЕРАК

Колхоз ва совхозлар анча мустаҳкамланиб, хийла кўпроқ техникага ва тажрибали кадрларга эга бўлиб қолаётган ҳозирги пайтда ташкилотчилик ишлари, ҳар бир хўжалик ва районнинг резервларидан моҳирлик билан фойдаланиш, фан муваффақиятлари ва илғорлар тажрибасини кенг жорий қилиш — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Худди шу масала КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларида алоҳида уқтириб ўтилди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши дастлаб ички резервлардан тўла фойдаланишга боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда Андижон областидаги айрим районларда аҳвол қандай?

Ўтган йили Қўрғонтепа районида пахта тайёрлаш планини бажарди. Юзаки қараганда районнинг иқтисодий кўрсаткичлари салмоқли бўлиб кўринади. Аслини олганда давлатга пахта, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш плани қандай бажарилди, эришилган муваффақиятлар қайси хўжаликлар ҳисобига бўлди?

Районда 10 колхоз бор. Булардан тўрттасигина давлатга пахта сотиш планини бажарди. Қолган олтита колхозчи? Яхшиям, буларнинг юкини енгиллаштирувчи «Совой» совхози бор экан. Бу совхоз юқоридаги колхозлар бераолмаган 440 тонна пахтанинг ўрнини қоплайдиган даражадагина эмас, балки ундан ҳам анча ортиқ «оқ олтин» топширди.

Аслини олганда райондаги колхозлар пахта тайёрлаш планини 85 процентдан сал оширди бажарди. Айрим колхозларда, шу жумладан «Коммунизм» колхозида пахта ҳосилдорлиги бир йилда гектар бошига беш центнер, Ленин номли колхозда 3.5 центнер, «Победа» колхозида 2 центнер камайиб кетди. Карл Маркс номли ва Киров номли колхозларда ҳам ана шундай аҳвол юз берди.

Қўрғонтепа райони областнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам паст ҳосил олмоқда ва пахта таннархини қимматлатиришга юбормоқда. Масалан, Навоий номли колхозда ҳар бир центнер пахта 196 сўмга (эски пулда) тушди.

Пахтачиликда умумий юксалишга эришиш учун ҳамма ерда юқори ҳосилни қўлга киритиш, бунинг учун имконият ва резервлардан яхши фойдаланиш керак. Бунга эса колхозларга моҳирлик билан раҳбарлик қилиш, оммани янги ташаббуслар кўрсатишга қизиқтириш, янгиликка ундаш йўли билан эришиш мумкин.

Бироқ Қўрғонтепа районида масаланинг бу муҳим томонига етарли эътибор берилмаяпти. Одатда район партия комитети ва район ижроия комитетининг докладларида ва нутқларида 64 бригада районнинг ўртача кўрсаткичидан паст ҳосил олаётгани сингари фактлар тилга олинмайди. Ленин номли колхозда коммунист Қорабоев бригадаси сингари айрим бригадаларнинг ҳар гектар ердан жуда паст — 5-10 центнердан пахта бераётгани айтилмайди. Ахир, рай онда ўнлаб бригадалар планни 35-50 процентдан бажарганлиги тўғрисида рўйрост гапириш ўрнига, планнинг умуман бажарилганлиги ҳақида ваъзхонлик қилишнинг қандай фойдаси бор?

Буни қарангки, районда чорва моллар туёғини ва унинг маҳсулдорлигини ошириш плани бажарилмаган ҳолда, давлатга гўшт топшириш ошиғи билан адо қилинган. Район раҳбарлари, шахсан райком секретари Қўчқор Аввазматовнинг кўрсатмаси билан бу ерда бозордан икки миллион сўмлик (эски пул билан) чорва моллар ва маҳсулотлари харид қилиниб, давлатга сотилган.

Бундай олиб сотарлик оқибатида чорва молларининг сони ва маҳсулдорлиги камайиб кетяпти. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш район бўйича 1959 йилдагига нисбатан 132 килограмм, «Бирлашган» колхозида 219 килограмм, Ильич номли колхозда 345 килограмм камайиб кетди.

Район партия ва совет ташкилотлари картошка, сабзавот, полиз етиштириш ва богдорчиликни ривожлантириш масалалари билан ҳам қизиқмай қўйганлар.

Қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмаслик, ҳамма хўжаликларни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаслик ана шундай оқибатларга олиб келяпти.

Районларнинг иқтисодий жиҳатдан кўтарилиши кўп жиҳатдан бу районларга қандай кишиларнинг раҳбарлик қилаётганлигига боғлиқ. Ўртоқ Усмон Эминов Пахтаобод район партия комитетининг секретарлигига сайлангач, бу ерда 1959 ва 1960 йиллар мобайнида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 6 центнер камайиб, 36 центнердан 30 центнерга тушиб қолди. Чорвачилик маҳсулотлари, мева, сабзавот етиштириш ва бошқа соҳаларда аҳвол бундан ҳам ёмон.

Пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга камайтираётган, планларини бажармай келаётган районлар, колхозлар, совхозлар ёки бригадаларни бирма-бир санаб чиқиш шарт эмас.

Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида бундай деган эди:

— Ҳозир партия ўсиб кетди. Партия кучли. Одамлар ўсиб кетди. Шу сабабли, шармандаси чиққан, лозим бўлган даражада ишлашга, янгиликни кўришга... янги одамларни тарбиялаш ва кўтаришга лаёқатли бўлмаган ёки шундай қилишни истамаётган ходимларни дадиллик билан алмаштира бериш керак. Чинакам раҳбарлар ўз қобилиятларини кўрсатадилар, партия қўйган улуғ вазифаларни амалга оширишга колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини сафарбар қила оладилар.

Низом ҲАКИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.



ЎЗБЕК, тожик ва қозоқ халқлари азалдан иноқ ва дўст халқлардир. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг бу халқларнинг дўстлиги яна ҳам мустаҳкамроқ, кўнгли бир-бирига яна ҳам яқинроқ бўлиб қолди. Илгарилари улар бир-бирлари билан олди-сотди қилган, қуда-анда бўлишган бўлса, энди ягона улуғ бир оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айландилар. Ўзбек ва қозоқ металлурглари, тожик, қозоқ ва ўзбек пахтакорлари, чорвадорлари, ғаллакорлари ўртасидаги мусобақа қанчалик қувончли самаралар бераётганини кўриб турибмиз.

Бир неча ой аввал Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон республикалари нурхоналари бир-бирига туташтирилиб, ягона энергетика ҳалқаси ҳосил қилинган эди. Яқинда ана шу ҳалқага яна бир нур манбаи — Олмалиқдаги янги подстанция ҳам боғланди. Бу подстанциянинг тўла-тўкис ишга туширилиши қардош республикалар саноат корхоналари, совхозлари, колхозлари ва умуман шаҳар-қишлоқларини электр қуввати билан таъминлашни яна ҳам мустаҳкамлайди.

Совет халқлари коммунизм сари олға борган сари бу нур халқаси ҳам кенгайиб, кучайиб бораверади ва халқларимиз ўртасидаги улуғ, бузилмас абадий дўстликнинг нурли ифодаси сифатида юксалаверади. Суратда: Олмалиқ электроподстанцияси умумий кўринишининг бир қисми.

В. Баскаков ва Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ БОҒЛАР

◆ *Мевазорларни кўпайтириш соҳасида Бўстонлиқ районидаги 13-совхоз ишчилари катта иш қилмоқдалар. Улар 3 минг тупдан ортиқ кўчат ўтказдилар. Совхозда 25 гектар ер ўрикзор, 100 гектар ер ёнғоқзор қилинади.*

А. УМАРОВ.

◆ *Бағдод район колхозлари боҳорги кўчат ўтказиш ойлигида 200 минг туп ниҳол экдилар. Хўжаликларда янги токзорлар ва мевазор боғлар барпо қилинди.*

Н. МЎМИНОВ.

◆ *Минг гектардан ортиқ боғ ва токзорларга эга бўлган Булунғур районидаги 2-совхозда иш қизғин кетмоқда. 1-бўлимнинг ўзида 40 гектар ерга кўчат ўтказилда.*

Н. ҚУЛБОЕВ.

◆ *Янгиариқ райони колхозлари 150 минг тупдан ортиқ кўчат экдилар. Ниҳолларнинг ярмидан кўпроғи мевадир.*

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

◆ *Чуст районидаги Ленин номли колхоз фойдаланилмаётган 45 гектар ерни боғ қилди. Олмос қишлоғи яқинидаги даштлик кўп ўтмай мўл-кўл мева беради.*

Ж. КАМОЛОВ.

◆ *Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз боғбонлари шу йилнинг ўзида олмазор ва шафтолизорларни яна 20 гектар кенгайтирдилар.*

М. ҲАЙДАРОВ.

МАЛАКАЛИ ИНЖЕНЕР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳасида янги техника тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 2500 дан ортиқ янги машина ихтиро қилинди, 2800 автоматик, ярим автоматик ва механикалашган конвейер линиялар ишга туширилди.

Йил сайин такомиллашиб бораётган техникани бошқариш, автоматлаштириш ва механизациялаштиришни янада юксалтириш учун ҳар томонлама билимдон, малакали инженерлар керак. Янги техника инженерларга янги талаблар қўяди.

Ҳозир ҳар бир технология мутахассиси ишлаб чиқаришни пухта билишдан ташқари, шу технология жараёнларини автоматлаштиришнинг ҳам моҳир устаси бўлиши лозим. Шулар ҳисобга олиниб, техника олий ўқув юртларга ўқув планларига атом энергиясини халқ хўжалигида ишлатиш, саноат электроникаси асослари, автоматика асослари ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, техникага янги материаллар синғари янги курслар киритилди.

Республикамизда инженер кадрлар етиштирадиган институтлар кўпаймоқда, бор институтларимиз эса кенгаймоқда. Сўнгги йилларда Тошкент электротехника алоқа институти очилди, ҳозир у малакали инженерлар етказиб бермоқда. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, Тўқимачилик институти ва бошқа олий техника ўқув юртларида йилдан йилга янги факультетлар очилмоқда. Тошкент Политехника институтида янги техника соҳасида бир неча янги мутахассисликлар тузилишидан ташқари, йирик инженер-физика факультети очилди. Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бухоро, Самарқанд ва Оҳангарон шаҳарларида институтнинг кечки бўлимлари очилади. Институтда сиртқи факультет ташкил топди.

Инженер кадрлар тайёрлашнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида кўрилаётган бу тадбирлар шубҳасиз яхши натижалар беради. Аммо бу соҳада ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Шунинг учун айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Техника олий ўқув юртларининг биринчи ва иккинчи курс планларини унификация эттириб, умумий-техника факультети ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу факультетда асосан умумий назарий билимлар ва умумий-техника фанлари ўтилади. Умумий-техника факультетларини кундузги, кечки, сиртқи бўлим қошида ташкил этиш мумкин. Бундай факультетларни асосий институтнинг филиаллари тарзида турли шаҳарларда ва саноат корхоналари қошида ва совхозларда ҳам очиш мумкин бўлади. Қардош Украинада ташкил этилган ана шундай умумий-техника факультетлари яхши натижалар бермоқда. Ўрта Осиё Политехника институтининг сиртқи бўлимида ҳам умумий-техника факультети ташкил этиш йўлида ўтказилган тажриба яхши натижа берди.

Бундай факультетлар ташкил этилгач, унинг ва ундан юқори курсларда олинадиган маълумотлар айрим ихтисосларга бўлиниб кетиши ва айрим факультетларда ўтилиши мумкин.

Бўлажак инженерларни ўқитиб-тарбиялашда назарий фанлардан ташқари, ишлаб чиқариш практикаси, курс ва диплом лойиҳалари ҳам катта аҳамиятга эга. Диплом темасини студентга вақтлироқ, чунончи тўртинчи курсда бериб қўйиш фойдали. Шунда у диплом лойиҳасига ишлаб чиқариш корхоналарини қизиқтирган масалаларни тема қилиб олиши мумкин.

Маълумки, олий ўқув юртларида ўқув-тарбия ишларини ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш тартиби жорий этилгач, студентлар назарий билимларини амалда татбиқ эта бошладилар, улар мустақил ишлай оладиган бўлдилар. Таълимнинг практика билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак. Бунда студентлар илмий жамияти ишини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш катта аҳамият эга бўлади.

Политехника институти кечки бўлимининг бир гуруҳ студентлари яқин бир йил ичида ўндан ортиқ турли асбоб ихтиро қилиб, уни ўз кўллари билан ясадилар ва синаб кўрдилар. Механика факультетида студентларнинг конструкторлик бюроси ташкил этилди. Кимё-технология факультети студентлари Чирчиқ электр кимё комбинати учун анча рационализаторлик таклифлари бердилар. Механика факультетидан олти студент яқинда Ленинград корхоналарида ишланаётган программалик—автомат станокларнинг ишини ўрганиб келиб, ўз диплом лойиҳаларида янги хил автомат станоклар таклиф этмоқда. Бу студентларни мустақил ишлашга ўргатади ва у яхши натижа беради.

Бўлажак инженер фотографиядан хабардор бўлиши, машина ҳайдай билиши, радио ва электр ускуналарини тузата олиши зарур. Бунинг учун институтларда тўгараклар ташкил этиш лозим.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, саноат корхоналарида ишловчи кўп инженерларимизнинг янги техника соҳасида малакасини ошириш масаласи ҳозирги талаблар даражасида эмас. Инженер-практиклар семинарларини уюштириш, бунда ўқишнинг маданият университетлари формасидан фойдаланиш мумкин. Бу ишда техника олий ўқув юртлари энг яхши кўмакдош бўлишлари лозим.

Янги техникани бошқара оладиган инженер кадрлар тайёрлаш биргина олий ўқув юртларининг вазифаси бўлиб қолмай, бу ишда республика Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлар, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам актив иштирок этиши керак. Фанлар академияси Политехника институтида бир неча бирлашган лабораториялар ташкил этди ва яна янгиларини тузмоқда. Инженер-физика факультетининг тўртинчи курсидан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларидаги олимлар инженер-физиклар тайёрлашда актив қатнашмоқдалар. Студентлар амалий ишларини академия ташкилотларида олиб борадилар. Бу ажойиб ташаббус инженер-физика факультетидагина эмас, балки бошқа факультетларда ҳам жорий этилса, яхши бўлур эди. Масалан, электрчилар ҳозир республика Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти юқори кучланиш лабораториясида иш олиб бормоқдалар. Шундай ишларни бошқа институтларда ҳам кенгайтириш керак.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши эндиликда бир қанча олий ўқув юртларида лабораториялар ташкил этмоқда. Бу ишни жонлантириш керак.

Республика Халқ хўжалиги кенгаши ва министрликлар янги техника соҳасида кадрлар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш учун олий ўқув юртларини заводларга яқинлаштиришлари лозим. Республикамизда завод-ВТУЗ (техника олий ўқув юрти)лар ташкил этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Ўзбекистонда ҳали биронта ҳам шундай завод-ВТУЗ йўқ. Аммо, катта-катта корхоналаримиз чунончи, Чирчиқ электр кимё комбинати ёки Олмалиқ комбинатлари қошида шундай завод-ВТУЗ лар тузиш мумкин. Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик олиб бориш зарур.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши янги техниканы пухта ўзлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўла автоматлаштиришга қодир бўлган малакали инженер-кадрлар тайёрлаш ишларини анча яхшилайди, техника олий ўқув юртларида таълим-тарбияни ҳаётга яқинлаштиришда гоят катта аҳамият касб этади.

Ғ. РАҲИМОВ.
техника фанлари доктори, профессор.

ОТИ УЛУҒ, СУПРАСИ ҚУРУҚ

Тажриба станция ишлаб чиқаришдан узилиб қолган ⊙ Алмашлаб экишга раҳбарлик қилмайди ⊙ Ҳосил колхозларникидан паст, таннархи ортиқ.

Хоразм область меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашиб, 1960 йилни муваффақиятли якунладилар. Областда 1960 йили 1953 йилдагига қараганда қарийб 100 минг тонна кўп пахта етиштирилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 19 центнердан 27 центнерга кўтарилди. Ўтган йили областдаги Янгиариқ, Қўшкўпир районлари ва 25 колхоз гектаридан 30 центнердан, 27 бригада гектаридан 45 центнердан пахта олди.

Лекин областда пахтачиликни янада ривожлантиришнинг резервлари катта бўлишига қарамасдан, Гурлан, Ҳазорасп, Хонқа районларида ва 39 колхознинг гектаридан олган ҳосили 25 центнердан паст бўлди. Ҳазорасп райони ва 29 колхозда 1960 йилда пахта ҳосили 1959 йилдагига қараганда ҳам пасайиб кетди.

Область пахтакорлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини кенг муҳокама қилиб, яқин 3-4 йил ичида гектаридан олинадиган ҳосилни 28-30 центнерга етказиш. Янгиариқ, Қўшкўпир, Урганч. Шовот районларида гектаридан 30-35 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта ҳосили олиш режаларини белгиламоқдалар.

Ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини кўтаришда зонал-тажриба станцияси область пахтакорларига яқиндан ёрдам бериши керак. Хоразм зонал-тажриба станцияси ташкил қилинганига 30 йилдан ошди. Станция шу даврда анчагина иш қилди. Станциянинг селекция бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Л. М. Асеева пахтанинг «Хоразм—10», «Хоразм—6» навларини яратиш соҳасида тажриба ишлари олиб бормоқда. Илмий ходим М. Н. Улянов ғўзанинг гоммоз касаллигига қарши чигитни экишдан олдин дорилашнинг янги усулини топишда актив қатнашди. Селекция бўлимининг бош илмий ходими ўртоқ К. Матназаров беданинг навларини яхшилаш устида ишламоқда.

Бироқ станцияда олиб борилаётган илмий ишлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумида илмий-текшириш ташкилотлари олдига қўйилган улуғвор вазифалар даражасида эмас. Станцияга 131 гектар ер биркитилган. Шундан 58 гектари суғориладиган ердир. Унинг 31 гектарига пахта, 17 гектарига беда, 6 гектарига бошқа экинлар экилмоқда. Станцияда 108 киши бўлиб, булардан 50 киши доимий ишлайди. 30 илмий ходимдан фақат бир киши фан кандидатидир. Илмий ходимлар орасида олий маълумоти бўлмаган кишилар ҳам бор. Бу аҳвол станцияни ихтисосли илмий кадрлар билан таъминлашга ва ёш кадрларнинг ўсишига бефарқ қараб келинаётганлигини кўрсатади.

Станцияда 1960 йилда илмий ишлар олиб бориш юзасидан 15 та тематик план тасдиқланиб, агротехника, селекция, агрохимия лабораторияси, мелиорация ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимлари бўйича иш олиб борилди. Агротехника бўлими етакчи бўлимдир. Унга станция директорининг ўринбосари Х. А. Бурнашев раҳбарлик қилади. Бўлимдаги 11 илмий ходим олдида деҳқончилик маданиятини ошириш, янги прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида катта вазифалар турибди. Улар ер ҳайдашдан тортиб, пахта ҳосилини етиштиргунча илмий тажриба ишларини илғорлар тажрибаси билан чамбарчас боғлаб олиб бориши керак.

Лекин бўлим кичик ерда ўраларга ажратилган. Агротехниканинг элементларини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган тажриба кичик масштабда ўтказилганлиги учун кўнгилдагидек натижа бермаётир, олиб борилган тажрибалар район ва колхозларда кенг синовдан ўтиб мустаҳкамланмаётир. Ҳозиргача Хоразм шароитида ҳар бир район, ҳар бир колхозидаги ернинг физик ва кимёвий хусусиятлари ўрганилмаган. Ерларни шудгорлаш, шўрини ювиш ва бу ишларни ўтказишнинг аниқ муддатларини белгилаш соҳаларида тўла-тўкис илмий хулосалар йўқ. Шунинг учун ҳам, бу муҳим агрономия тадбирлари ҳар бир коллектив хўжаликда ўз билгича ўтказилмоқда.

Областда ерларни алмашлаб экишни жорий қилиш соҳасида жуда кўп гап бўлса ҳам бу муҳим масала бўйича тажриба станцияси қизиқмаётир. Натижада областнинг бирор колхозида алмашлаб экиш шу вақтгача йўлга қўйилмаган. Станция ўтган йили ўз тажриба участкасида ҳам, колхозларда ҳам пахтачиликни механизациялаш бўйича кўзга кўринарли иш қилмади.

— Областда, — дейди Янгиариқ районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси Отабой Йўлдошев, — тажриба станцияси борлигини яхши биламиз. Аммо, у қандай тажриба олиб борганлиги ёки номаълум. У энг муҳим агротехника тадбирларини қўлланишда бизга кўмак бермаётир. Бу, халқ мақолида айтилганидек, «отни улуғ, супраси қуруқ» станция бўлиб қолмоқда. Бу муҳим ташкилотнинг ишини жонлантириш пайти келди.

Селекция бўлимида пахтанинг янги навларини яратиш соҳасида кўпдан бери иш олиб борилишига қарамай, Хоразм область шароитига мос тезпишар, узун толали пахта сортлари яратишга дуруст эътибор берилмай келади. Ҳолбуки, Хоразм областида тезпишар, совуққа бардош берадиган, машина теримига мос, яхши сифатли пахта навларини яратишни турмуш талаб қилмоқда.

Станцияда ғўзани зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, мелиорация, агрохимлаборатория бўлимлари отига бор-у, лекин уларнинг олиб бораётган тажрибаси станциядан нарига ўтмаётир. Бу бўлим илмий ходимларининг иши устидан Союз НИХИ контроллик қилмайди. Союз НИХИ тематик планда кўрсатилган тажриба ишларининг қай тарзда бажарилишини кўриб, станцияга амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига ишга фақат ёзма ахборотларга қараб баҳо бермоқда.

Тажриба станциясининг Союз НИХИ томонидан тасдиқланган тематик планларида илмий ходимларнинг олиб бораётган ижодий ишларига Тошкентдаги олимлардан А. А. Васильев, В. П. Кандратюк, В. М. Легастаев, Ф. А. Соколов ва бошқалар раҳбар қилиб тасдиқланган. Аммо бу олимлар тематик ишларга ёрдам бериш у ёқда турсин, 3-4 йиллаб Хоразмга қадам қўймаганлар. Ўсимликларни ҳашарот ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўлимининг илмий ходими ўртоқ Уляно-ва бундай дейди:

— Хоразмда пахтанинг ашаддий зараркунандаларидан бўлган ўргимчаккана, ғўза бити, карадрин ва бошқалар йил сайин ҳосилга катта зарар етказмоқда. Лекин менинг илмий ишларим раҳбари В. П. Кандратюк ва бошқалар бу ҳақда конкрет ёрдам кўрсатиш ўрнига Тошкентдан жилмай информация сўрашдилар, холос.

Зонал-тажриба станцияси ўтган йили 31 гектарга чигит экиб, гектаридан 26.6 центнердан ҳосил олди. Бу 1959 йилда олинган ҳосилга қараганда гектар бошига 7.5 центнер камдир. Станция бир центнер пахта етиштириш учун 1959 йилда 224 сўм сарфлаган бўлса, 1960 йилда 248 сўм сарфлади. 1960 йилда бор-йўғи 15 тонна пахта машинада териб олинди. Бу рақамлар станция коллективининг пахтачилигини ривожлантириш билан астойдил шуғулланмаётганлигини, ўз олдида турган жавобгар вазифаларни бажаришга бефарқ қараётганлигини кўрсатади. Станциянинг бир ёнида «Пахтакор», иккинчи томонида Ленин номли колхоз жойлашган. Бу йирик колхозлар 1960 йилда гектаридан 33-35 центнердан, шу колхозлардаги зонал станция билан бир шароитда бўлган Дўстжон Бобожонов бошлиқ бригада 45 центнердан Ғулжон Жабборова бошлиқ звено 54 центнердан ҳосил олди. «Пахтакор» колхозида ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 169 сўмга тўғри келди. Хўш, ҳосил етиштиришда станция билан колхозлар ўртасидаги тафовутга қандай баҳо берса бўлади?

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчев илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланишнинг нақадар зарурлигини алоҳида таъкидлади. Область колхозларида етти йилликнинг иккинчи йилида замонамизнинг янги пахтакор қаҳрамонлари етишди. Лекин, станциянинг илмий ходимлари илғорларга етакчи бўлиш ўрнига пахта етиштиришда практик машъаллардан орқада қолмоқда. Бу кулгили ҳолга сабаб шуки илмий ходимлар илғор тажрибани ўрганиб, уларни илмий равишда пропаганда қилишга юзаки қарамоқдалар. Шунинг учун ҳам 1931 йилдан бери станцияда қилинган илмий ишлар ҳақида бирор нарса нашр қилинмасдан келмоқда. Ваҳоланки, область пахтакорлари зонал станциянинг ишини кўрсатувчи адабиётларга муҳтожлар.

Станция директори Ж. Йўлдошев коллективдаги илмий ишларга раҳбарлик қилишда фаолиятсизлик кўрсатиб, ўз бурчини оқлашга масъулиятсизлик билан қарамоқда. Область партия комитети ва область ижроия комитети станциянинг қониқарсиз ишлаётганлигини биладилар. Аммо, бу илмий ташкилотнинг ишини яхшилаш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмай келадилар. Ҳатто, улар сўнгги йиллар ичида станция ишини бирор марта ҳам ўрганиб, муҳокама қилмаганлар.

Зонал-тажриба станциясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди. Унинг ишларини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган қилиб қайтадан қуриш, малакали кадрлар билан таъминлаш, лабораторияларини янги ускуналар билан жиҳозлаш ва фан ютуқларини илғор тажриба билан мустаҳкамлаш керак.

Саттор ҚАЮМОВ,
биология фанлари кандидати.
Собир ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ПЎЛАТ ЭРИТУВЧИЛАР РЕКОРДИ

БЕКОБОД, (ЎзТАГ). Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчилари йилнинг биринчи ярмида пландан ташқари бир ярим минг тонна пўлат бериш ҳақидаги ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Йил бошидан бери ҳар ўн қуйишнинг тўққизтаси жадал метод билан ўтказилди. Қуйиш муддати ўртача ҳисобда 25 минут қисқартирилди. Съезд олди вахтаси кунларида пўлат эритувчилар кичик қувватли мартенларда мамлакатда энг яхши кўрсаткичларга эришдилар. Улар печь тубининг ҳар бир квадрат метридан планда белгиланган 9,4 тонна ўрнига ўн тоннагача пўлат олмоқдалар. Баннон Мирзаматов, Николай Красин, Анвар Тошпўлатов, Николай Зверевлар печь тубининг ҳар бир квадрат метридан ўн бир тоннагача пўлат олиб, бу билан етти йилликнинг охири учун белгиланган даражадан анча ўзиб кетдилар.

Ўзбекистон металлурглари етти йилликнинг охири учун белгиланган даражага пўлат ишлаб чиқариш бўйича 1962 йилда ва прокат ишлаб чиқариш бўйича 1963 йилда эришишга қарор қилдилар.

ТЕХНОЛОГИЯ СХЕМАСИ

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Шаҳрисабз консерва заводида гўшт ва гўшт-сабзавот консервалари тайёрлашнинг технология процесси икки баравар тезлаштирилди. Бунга бир қанча рационализаторлик таклифларини жорий қилиш туфайли эришилди. Яқинда Самарқанддаги «Уроқ ва болға» консерва заводининг вакиллари бу янгилик билан танишдилар. Улар янги технология схемасига юксак баҳо бердилар ва уни ўз корхоналарида ҳам жорий этишга қарор қилдилар.

Ҳар туғилган БИР ШИНГИЛ

⊙ **Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника ва ветеринария факультетларининг бир тўда студентлари Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд областларининг узоқ районларида чўпонлар орасида ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар.**

П. ЭШОНҚУЛОВ.

⊙ **Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентлари республиканинг узоқ районларида ўтказилган практикадан яқинда қайтиб келдилар.**

И. ДОНИШЕВ,
У. ПУЛАТОВ.

⊙ **Ўзбекистон ССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти композитор И. Ҳамроевнинг «Сольфеджио» дарслигини босиб чиқарди.** Дарслик музика мактабларига ва билим юртлари учун мўлжалланган.

Ж. НАЖМИДДИНОВ.

⊙ **Косонсой районидаги Охунбобоев маҳалласида интернат-мактаб учун бино қурилаяпти.** Қурувчилар уни партия XXII съезди очилиши арафасида фойдаланишга топширишга аҳдлашганлар.

К. ЖЎРАЕВ.

⊙ **Жомбойдаги тугруқхона коллективи номига районнинг турли колхозларидан тез-тез миннатдорчилик хатлари келиб туради.** Бунда оналар тугруқхонадаги намунали хизмат учун ташаккур билдирмоқдалар. Бу — акушер ва врачларнинг гайратига-гайрат қўшмоқда.

Б. ПИРНАЗАРОВ.

⊙ **Наманган шаҳар марказида жойлашган 7-болалар боғчаси** шаҳардаги намунали боғчалардан биридир. Ундаги ўринлар кенгайтирилиб, ҳозир саксондан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Ш. ҲАКИМОВ.

⊙ **Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида** илмий билимлар тарқатувчи шаҳар университети очилди. Унда тўрт факультет бўлиб, машғулотлар ойида бир марта ўтказилади.

Р. ОТАХОНОВ.



БУХОРО паррандачилик фабрикасининг хизматчилари коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Улар тухумни инкубаторияга белгиланган муддатдан анча илгари қўйдилар, колхоз ва совхозларга 100 мингдан ортиқ, ўтган йилдагидан 40 процент кўп жўжа етказиб бердилар. Йил охиригача 1 миллион жўжа етиштириш ва 72 тонна парранда гўшти, 1 миллион 300 минг дона тухум тайёрлаш мажбуриятини олдилар. СУРАТДА: инкубатория мудири Ш. ҚАНДОВА ва оператор Р. САИДОВА ўртоқлар жўжаларни сараламоқдалар.

Ш. Мўминов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЛАОС ХАЛҚИ СОВЕТ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

БЕЛЬГИЯЛИК МУСТАМЛАКАЧИЛАР КОНГО ИШИГА АРАЛАШМАСИН

□ □ □

ВЕНГРИЯДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

□ □ □

ЛУМУМБАГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛАДИ

□ □ □

КУБАГА ҚАРШИ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИКЛАР

Будапештда парад

БУДАПЕШТ, 4 апрель. (ТАСС). Бугун Венгрия меҳнаткашлари ўз миллий байрамларини — Совет Армияси мамлакатни гитлерчилар оккупациясидан озод қилган кунининг 16 йиллигини нишонламоқдалар. Умумхалқ байрами муносабати билан Будапештда ҳарбий парад бўлди.

Парадлар ўтказиладиган традицион жой — Дьердь Дожи проспекти байрамдагидек безатилган. Проспектнинг икки томонида қурилган трибуналарда пойтахтнинг неча ўн минглаб меҳнаткашлари тўпланган. Марказий трибунада Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва Марказий Комитетининг аъзолари турибдилар. Тантаналарда қатнашиш учун келган Совет делегациясининг аъзолари ҳам шу ерда.

Ҳарбий парадни Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министри Лайош Цинеге қабул қилди. Бу йил парадда ракета қўшинларининг бўлинмалари биринчи марта қатнашдилар.

Парад тамом бўлгандан кейин баҳор қуёши нурларига чўмган Дьердь Дожи проспектида, пойтахт паркларида ва скверларида кўп кишилик халқ сайили ўтказилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида

НЬЮ-ЙОРК, 4 апрель. (ТАСС). 3 апрелда БМТ Бош Ассамблеясининг кундузги ялпи мажлисида Конгода аҳвол тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди. Чад вакили Жан Шарло ва Нигер вакили Жермакойе Конгони парчалаб юбориш йўлидаги уринишларни ҳимоя қилиб чиқдилар. Жан Шарло мустамлакачилар қўғирчоқларининг Тананаривдаги конференциясини мақтади. Жермакойе бирлик ва эркинлик идеалари ўртасидаги зиддиятлар ҳақида туманли мулоҳазаларини айтиб, Конгонинг айрим вилоятларга ажралиб кетиши муқаррар деб «исботлашга» уринди. У Африкадаги ёш давлатнинг фожеаси сабаблари ҳақида гапириб, Конго халқи «етук эмас» деган мулоҳазаларини айтди ва бельгиялик мустамлакачиларнинг агрессияси ҳақида лом-мим демади.

Африкадаги мустақил давлат Эфиопия делегати Габре—Эгзининг сўзи Конгони парчалаб юборган адвокатларига қарши қатъий зарба бўлиб тушди. Мамлакатнинг конституциясида кўзда тутилганича, Конго ягона ва мустақил бўлиши лозим, деди Эфиопия вакили. Биз Конгонинг ҳар хил баҳоналар билан парчалаб юборилишига қарши чиқамиз. Тананаривдаги конференциянинг «декларацияси» Конгонинг ҳужжати эмас. Бу «декларация» ўз мустақиллиги учун курашаётган Африка халқларининг ҳаракатига қарши қаратилгандир. Габре — Эгзи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мустамлакачилар ва уларнинг қўғирчоқларининг Конгони ягона ва мустақил давлат сифатида тугатишга қаратилган уринишларига тўсқинлик қилсин, деб талаб қилди. Эфиопия делегати бельгиялик мустамлакачиларнинг Конго ишларига аралашишларига дарҳол хотима бериш зарур, деб таъкидлади ва Конго парламентининг тезликда чақирилишини талаб қилди.

Бошқа нотиқлар бўлмаганлиги сабабли Бош Ассамблеянинг кундузги ялпи мажлиси шу билан тамом бўлди. Конгода аҳвол тўғрисидаги масала 4 апрель эрталабки мажлисда яна муҳокама қилинади.

Яқиндагина бўм-бўш ётган ерлар ўрнида яна шу гўзал шаҳарча вужудга келди. Бу шаҳарчада Янгиерни обод ва кўркам водийга айлантиришга аҳд қилиб, шу ерга келган меҳнатсевар кишилар яшайди.

А. Палехов фотоси.

ПАТРИС ЛУМУМБА НОМИДАГИ СКВЕР

ПАРИЖ, 4 апрель. (ТАСС). Мали президенти Модибо Кейта республика пойтахти Бамако шаҳрида Патрис Лумумба номидаги скверни очди. Бу сквер ҳозир бутун мамлакатда ўтказилаётган «Конго ҳафталиги» муносабати билан барпо этилди. Патрис Лумумба номидаги скверни очишга бағишланган тантанали маросимда ҳукумат аъзолари, Судан иттифоқи ҳукмрон партиясининг раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, журналистлар ва пойтахтнинг кўп сонли аҳолиси қатнашди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, ана шу скверниг марказида Конго халқининг миллий қаҳрамони Патрис Лумумбага ҳайкал ўрнатилади.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТЛАРИ

ГАВАНА, 4 апрель. (ТАСС). Куба хавфсизлик органлари кейинги вақтда контрреволюционер - террористларнинг яна бир неча шайкасини зарарсизлантирдилар. Бу шайкалардан террористик ва қўпорувчилик ҳаракатлари учун мўлжалланган қурол-яроғ, ўқ-дори ва портлатувчи моддаларнинг катта запаслари топилди. Матбуотнинг хабар беришича, бу шайкаларнинг иши юзасидан ўтказилган текшириш уларга АҚШ марказий разведка бошқармасининг агентлари ва Америка территориясида бошпана топган контрреволюцион группалар раҳбарлик қилаётган лигини яна тасдиқлади.

Жиноятчилар қаҳрамон Куба халқини қўрқитишга, унинг руҳини туширишга бехуда уриниб, энг маккорона методлардан фойдаланмоқдалар. Улар Куба халқ полицияси ва қўзғолончи армияси билан юзма-юз келишга журъат этмасдан, кечалари кўчаларга, паркларга ва революцион ташкилотларнинг бинолари ёнига бомбалар қўймоқдалар.

3 апрелга ўтар кечаси жиноятчилар бир қанча янги ёвуз жиноятларни қилдилар. Гаванада «Верде Оливо» журнали редакциясининг биноси олдида ва совуқ ичимликлар фабрикасида бомбалар портлади. Портлашлар моддий зарар етказди, бир киши яралар бўлди.

ЛАОС ХАЛҚИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҚЎЗЛАБ

ХАНОЙ, 4 апрель. (ТАСС). Лаос халқи Совет ҳукуматининг Лаос проблемасини тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан Буюк Британия ҳукуматига юборган эсдалик хатида илгари сурган таклифларини табрикламоқда ва маъқулламоқда.

Кеча тинчлик учун, Лаоснинг бетарафлиги ҳамда миллий ҳамжиҳатлиги ва бирлиги учун кураш комитетининг фавқулодда мажлиси бўлди. Мажлисда Совет таклифлари қараб чиқилди.

Мажлисдан кейин эълон қилинган ахборотда айтиладики, бу таклифларда Лаосда тинчлик ўрнатиш йўли, мамлакатимизни бетараф, мустақил ва ягона давлатга айлантириш йўли белгиланган. Бу таклифлар халқимизнинг орзуларига ва Лаосдаги ҳозирги вазиятга тамомила жавоб беради.

Комитет манфаатдор барча мамлакатларни Совет ҳукумати таклиф қилганича, апрель ойининг бошларида Пном-Пенда Лаос бўйича халқаро конференция чақирилишига ёрдам беришга ва Лаос проблемасини тинч йўл билан ҳал этишга даъват қилади.

Комитет Лаос халқини ва унинг армиясини ўз ҳушёрликларини оширишга, исёнчиларга ва интервентларга қарши курашда ўз сафларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга даъват этади.



ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЦЕХ ВА УЧАСТКАЛАР

Халқ хўжалиги кенгаши мактаб ўқувчиларига ишлаб чиқариш таълими бериш тўғрисида гамхўрлик қилмоқда

□ □ □

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашида профессионал-техника таълими ва ишлаб чиқариш практикаси бўлими ташкил этилди.

Мактабларда умумий таълим фанлари билан бир қаторда ҳар хил касб асослари ҳам ўргатилмоқда, илғор техника билан таъминланган мастерскойлар ташкил этилган. Аммо турмуш яхши ва малакали ишчи бўлиб етишиш учун таълим мастерскойларидаги машғулотларнинг ўзигина етарли эмаслигини кўрсатди.

Қўқондаги пайпоқ-йигирув комбинатининг коллективи яхши ташаббус кўрсатиб, ишлаб чиқариш таълими учун мустақил бир цехни ажратиб берди. Бу ерда йигирувчи ва созловчидан тортиб, мастер ва цех бошлиғигача қадар ҳамма вазифаларга 19-мактабнинг юқори синф ўқувчилари тайинланган. Комбинат томонидан ажратилган инструктор ўқувчиларнинг ишини кузатади, уларга маслаҳатлар беради ва камчиликларини кўрсатиб туради.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашн бундай цехлар ва участкаларни имконият бўлган ҳамма корхоналарда ташкил этишга қарор қилди. Дастлабки ҳисобларга кўра, Тошкентнинг ўзидагина янги ўқув йилидан бошлаб уч ярим минг ишчи ўрни бўлган 35 та цех ва участка ташкил этилади. Корхоналар бу цехларни ва участкаларни машина-ускуналар, зарур хомашё ва асбоблар билан таъминлайдилар.

Халқ хўжалиги кенгашининг республика Маориф министрлиги билан биргаликда ишлаб чиқариш таълими программасининг лойиҳасини тайёрлади. Программа лойиҳаси тўққизинчи синфдан тортиб ўн биринчи синфгача уч йилга мўлжалланган. Мактаб ўқувчилари республика халқ хўжалигига зарур бўлган ихтисосларни эгаллайдилар. Ўн биринчи синфни тамомлаганда ўқувчиларга етуклик аттестати билан бирга иш маланаси ҳақида гувоҳнома ҳам берилади.

Халқ хўжалиги кенгашининг янги бўлими студентларнинг ишлаб чиқариш практикаси ва ишчи ёшлари мактабларининг фаолияти билан ҳам шуғулланади. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ЮЛДУЗЛАР

Холид РАСУЛ

Юлдузлар, юлдузлар! Хаёл қўкида
Сизга етиш учун интилди юрак.
Ипак йўлингизга чирмашди истак
Ёшлигим орзуси бутун кўркида.
Болалик кўзида бир сирли дунё —
Бўлиб кўриндингиз, милтираб ҳар тун.
Сизга нур қуйилди, дил сизга мафтун,
Фақат ёшлик эмас, ақл маҳлиё.
Қанотин ёзди-ю техника асри,
Ракеталар кезди юлдузлар аро.
Очди Ой жамолин, фикрлар дарё
Бош чўзди кўкларга олий фан қасри.
Ер йўлдошлари учар у бенҳоя—
Юлдузлар сулуви, Зуҳрага томон.
Фазонинг сирини очади инсон,
Фикрда қолмайди бир нуқта, соя.
Ёшлик ҳаёллари нур эмар равшан
Инсон қўноқ бўлар Ойга, Зуҳрага
Кўнгиллар оромда, қонар бахрага,
Юлдузларда очиб умримиз гулшан.

ЯНА ИККИ УНИВЕРСИТЕТ

САМАРҚАНД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шаҳарда жамоатчиликнинг ташаббуси билан тузилган маданият, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ва ота-оналар университетлари ўз ишларини муваффақиятли давом эттирмоқда. Маданият университетининг ҳозир 4 жойда бўлими бор ва уларнинг машғулотларида мингдан ортиқ турли касбдаги киишлар қатнашмоқдалар.

Жамоатчилик ташаббуси билан шаҳарда яна иккита университет — атеистик ва ижтимоий билимлар университетлари ташкил қилинди. Ўқитувчи кадрларнинг билим малакасини оширишга мўлжаллаб ташкил қилинган ижтимоий билимлар университетининг биринчи машғулотида Ўзбекистон КП область комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. Маҳмудов КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари ва 1961 йилги вазифалар ҳақида доклад қилди.

Атеистик университетнинг биринчи машғулотида 240 тингловчи қатнашди. Ҳозир бу университетга киришга хоҳиш билдирганларнинг сони 700 кишига етди.

Нурумбет Қурбонов

Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қорақалпоғистон АССР Чимбой район «Кенес» совхозининг собиқ директори Нурумбет Қурбонов оғир касалликдан кейин шу йил 4 апрелда вафот этди.

Нурумбет Қурбонов 1915 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилди. Н. Қурбонов ўзининг меҳнат фаолиятини агротехник бўлиб ишлашдан бошлади, кейин МТС старший агрономи, МТС директори ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри бўлиб ишлади. Ўртоқ Қурбонов 1943 йилда партия раҳбарлик вазифасига: аввал район партия комитетининг иккинчи, сўнгра биринчи секретари вазифасига кўтарилди. Ўртоқ Қурбонов 1959 йилда «Кенес» совхозига директор қилиб юборилди.

Партия ва ҳукумат ўртоқ Қурбоновнинг хизматларига юксак баҳо берди. У иккита «Ҳурмат белгиси» ордени ва бир қанча медаль билан мукофотланди. Ўртоқ Қурбонов Қорақалпоғистон АССР Олий Совети 4 ва 5-чақириқларининг депутатидир.

Меҳрибон ва сезгир ўртоқ, коммунист Нурумбет Қурбоновнинг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениеси таниқли драматург

БАҲРОМ РАҲМОНОВНИНГ

шу йил 5 апрелда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига ўзининг самимий таъзиясини билдиради.

Марҳум билан 6 апрелда Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйи (1-май кўчаси, 20-уй) биносида соат 14 дан видолашув маросими бўлади.

Марҳумнинг жасади соат 17 да Чигатой қабристонида дафн қилинади.

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

80-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1961 йил 30 мартда Сталинград шаҳрида бўлиб ўтди.
Заёмнинг ҳамма ўн олти разряддаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
001672	33*)	1.000
002620	10*)	500
002883	1—50	40
003460	1—50	40
003526	1—50	100
004192	35*)	500
004232	1—50	100
004330	1—50	40
005336	30*)	500
005878	44*)	1.000
006035	1—50	40
006243	24*)	500
006338	07*)	500
006799	09*)	500
007162	06*)	500
007668	06*)	500
007733	21*)	500
008275	50*)	1.000
008657	41*)	1.000
009104	27*)	500
009314	34*)	500
009810	06*)	500
009926	1—50	40
011419	24*)	500
011675	13*)	500
011698	03*)	500
014320	24*)	500
015072	41*)	500
016281	41*)	500
017157	04*)	5.000
017286	1—50	40
017977	43*)	500
018473	1—50	100
018598	07*)	500
019426	14*)	1.000
019526	1—50	40
020014	29*)	500
021218	04*)	500
021304	45*)	500
022797	1—50	40
023266	34*)	500
023764	1—50	40
023844	36*)	500
024867	31*)	1.000
024951	1—50	100
025436	26*)	1.000
026432	31*)	2.500
026715	1—50	40
027182	1—50	40
027604	1—50	40
030679	28*)	500
030931	49*)	500
032101	1—50	40
032287	17*)	500
033545	34*)	500
033643	1—50	40
033919	19*)	500
035430	47*)	500
035924	1—50	40
036080	1—50	100
036207	1—50	40
036490	47*)	1.000
036981	19*)	500
037701	50*)	500
037934	38*)	500
038775	06*)	5.000
039240	10*)	500
039487	26*)	1.000
039547	1—50	40
040556	1—50	40
041115	12*)	1.000
041711	46*)	500
042380	1—50	40
042925	04*)	500
044825	45*)	1.000
045803	1—50	40
046024	34*)	500
046988	1—50	100
047027	17*)	2.500
047163	50*)	500
048118	1—50	100
048678	46*)	500
049315	06*)	500
049376	1—50	40
050969	1—50	100
051786	16*)	500
052269	12*)	1.000
052866	1—50	100
052933	1—50	40
053237	34*)	500
053543	09*)	500
054189	28*)	1.000
054338	22*)	1.000
054423	18*)	500
055780	1—50	40
057958	26*)	1.000
058324	50*)	1.000
059097	40*)	500
059175	38*)	500
059291	1—50	40
059622	49*)	500
059637	24*)	1.000
060586	1—50	40
061403	30*)	2.500
061773	1—50	40
061784	1—50	40
063287	38*)	1.000
063806	1—50	40
063944	50*)	500
065940	24*)	1.000
067148	04*)	500
067154	42*)	2.500
068213	09*)	500
068595	26*)	1.000
068612	1—50	40
068676	19*)	500
070046	43*)	500
070668	34*)	500
071149	1—50	40
071836	49*)	500
074665	1—50	40
074986	08*)	500
075752	1—50	100
076382	1—50	40
076831	35*)	500
077785	29*)	500
077895	34*)	500
078265	1—50	40
078994	16*)	1.000
079295	17*)	500
079937	50*)	500
080250	17*)	500
080273	08*)	500
081421	11*)	500
081939	28*)	500
082107	29*)	500
082214	1—50	40
082260	1—50	40
082604	17*)	500
082840	1—50	40
083143	37*)	2.500
084553	1—50	40
084842	23*)	1.000
086917	1—50	40
087016	18*)	500
087698	1—50	40
088262	1—50	100
089630	1—50	100
089975	34*)	500
090430	38*)	1.000
090644	36*)	500
092365	1—50	40
092623	42*)	500
092709	15*)	500
092935	20*)	500
093000	05*)	500
093704	47*)	500
095616	1—50	100
095653	1—50	40
096944	15*)	500
096969	1—50	40
097175	17*)	500
097626	1—50	100
097721	25*)	1.000
097985	25*)	500
098779	1—50	40
099160	11*)	500
099310	02*)	500
099449	1—50	40
099465	25*)	1.000

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари ютуқларни газетанинг келгуси сони олингандан кейин шу жадвалга қараб белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнат кашлар депутатлари Сталинград область Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. ЧМУТОВ.
Комиссиянинг масъул секретари Н. В. КУЗНЕЦОВА.



ХАНОЙ университети биноси олдида.

Чет эл янгиликлари

* СССРнинг Кубадаги элчиси С. М. Кудрявцев Гаванада меҳмон бўлиб турган Москва Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников бошчилигидаги меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети делегациясини шарафига қабул маросими ўтказди.

* Вьетнам Демократик Республикасининг Куанг Бинь вилоятидаги илғор «Дайфонг» қишлоқ хўжалик кооперативи қўшни «Тхионг фонг» кооперативи билан бирлашди. Бирлашган коллективнинг аъзолари умумий йиғилишда бу кооперативга «Вьетнам—Совет дўстлиги кооперативи» номини беришга қарор қилдилар.

* Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, 8 ва 22 апрелда бутун мамлакатда партия марказий органи «Акахата» газетасини тарқатиш кунлари ташкил этилади. Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг президиуми партиянинг ҳамма аъзоларига мурожаат қилиб, «Акахата» газетасининг бир кунлик тиражини 1 майгача 100 минг нусхага етказишга даъват этди.

ПААВО АЙТИО — ФИНЛЯНДИЯ ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК СОЮЗИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА КАНДИДАТ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 апрель. (ТАСС). Финляндия халқи демократик союзининг бу ерда тамом бўлган VI съезди ўзининг охирги мажлисида бўлажак президент сайловларида республика президентлигига Финляндия халқи демократик союзидан кандидат қилиб Пааво Айтионн кўрсатди.

Съезд резолюциясида таъкидлаб кўрсатиладики, Финляндия халқи демократик союзидан кандидат кўрсатиш шунинг учун зарур бўлиб қолдики, социал-демократик партия раҳбарлиги томонидан буржуа реакцион кандидатнинг кўрсатилиши умумий кандидат тўғрисида халқ демократлари билан социал демократик ташкилотлар ўртасида бир битимга келишни мумкин бўлмайдиган қилиб қўйди.

П. Айтионн республика президенти қилиб сайлаш билан, дейилади резолюцияда, биз мамлакатимизда мустаҳкам тинчликни ва мустақилликни яхшироқ таъминлаган бўлур эдик, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстликни мустаҳкамлаган бўлур эдик, мамлакатимизнинг демократик асосда ривожланишини, халқимизнинг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётини таъминлаган бўлур эдик.

* * *

Пааво Айтио 1918 йилда Туркуда дурадгор оиласида туғилган. П. Айтио ишчилар ҳаракатида ТУЛ (ишчиларнинг спорт союзи) аъзоси сифатида қатнаша бошлади.

1946 йилда у Туркуда социалистик жамият тузишда қатнашди. Бу жамият Финляндия халқи демократик союзига кирди. Икки йилдан кейин Айтио Финляндия Компартиясига аъзо бўлиб кирди.

1951 йилдан бошлаб у парламент депутатидир. 1958 йилги парламент сайловларида Финляндия халқи демократик союзи катта ғалабага эришгандан кейин П. Айтио парламент катта комиссиясининг раиси бўлди, сўнгра эса парламент раисининг биринчи ўринбосари бўлди.

ЗОМИН ЧЎЛИДА ҚУВА АНОРИ

ЗОМИН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Кекса боғбон Умматқул Муҳаммадқулов бемор ётган отаси учун икки дона анорни Самарқанддан олиб келганини эслайди. Ҳозир эса анордан тортиб анжиргача, ҳатто писта ва бодомгача райондаги хўжаликларнинг ўзларида етиштирилмоқда.

Умматқул ота боғбон бўлиб ишлаётган 1- «Зомин» совхозида бу йил боғлар 137 гектарга етди. 40 гектар ерга ток, 20 гектар ерга Қува районининг колхозларидан келтирилган 24 минг туп анор, шафтоли ва бошқа мева кўчатлари ўтқазилди.

Райондаги бошқа хўжаликлар ҳам янги боғ ва узумзорлар қилиш учун 40 минг ток, 21 минг турли мева кўчатлари олдилар. «Қизил чорвадор» совхозида янгидан 11 гектар боғ ва 13 гектар узумзор ташкил қилинди. Совхоз ишчилари кўча ва йўлкаларга, ариқ бўйларига ва ҳовли саҳнларига 17 минг туп манзарали дарахт ўтқазидилар.

Райондаги хўжаликлар баҳорги кўчат ўтқазиш планини ошириб бажардилар. 20 минг ўрнига 30 минг туп болғар тути, 35 минг ўрнига 280 минг туп, ёки саккиз баравар ортиқ манзарали дарахтлар ўтқазилди.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469, Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29.005. Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р-00809. Нашр. Б. 80.